



## Экологик барқарорлик — тараққиёт омили

### Қарор ва ижро

Пойтахтимизда экологик ноқулай ҳудудларда вазиятни барқарорлаштириш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишнинг долзарб масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда депутатлар, тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, эколог олимлар иштирок этди.

«Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Н.Умаров, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси ўринбосари К.Содиқов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида атроф-муҳит мусоффолигини таъминлаш, глобал экологик муаммоларнинг салбий таъсирларини камайтириш ва барқарор ривожланишга эришиш борасида кенг қўламли ишлар амалга ошириладиганини таъкидлади. Бу жараёнда табиатга антропоген таъсирларнинг олдини олиш, табиат ва инсон ўртасидаги муносабатларни уйғун ривожлантириш ҳамда ишлаб чиқаришга экологик жиҳатдан соф ривожланиш механизмларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратиладиганини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Мамлакатимизда йирик саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, оқова сув иншоотларини барпо этиш ва мав-

жудларини таъмирлаш, чиқиндиларни зарарсизлантириш ва қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш, экологик ноқулай ҳудудларда атроф-муҳитни барқарорлаштириш, аҳоли саломатлигини химоя қилиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Урмонлар ва алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар майдонини кенгайтириш, яшил иқтисодиётни ривожлантириш, биологик хилма-хилликни асраш бўйича лойиҳалар қўлами йилдан-йилга кенгаймоқда. Бундай чора-тадбирлар натижасида табиатга ташланаётган чиқиндилар миқдори камайиб, экологик муҳит яхшиланишига эришилади.

Шу билан бирга, мазкур соҳадаги ишлар қўламини янада кенгайтириш, табиий муҳит ва экологик хавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини тобора такомиллаштириш бугунги кунда долзарб вазифалардан дандир. Шу мақсадда ишлаб чиқилган «Фавқулодда экологик ҳолат ва экологик талафот зоналари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси фавқулодда экологик ҳолатлар ва экологик талафот ҳудудларида истиқомат қилувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш бўйича муносабатларни янада тўлароқ тартибга солишга қаратилган.

Давра суҳбатида фавқулодда экологик вазият ва экологик талафот зоналарини аниқлаш механизмлари, бу жараёнда давлат ташкилотлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари иштироки масалалари юзасидан фикр алмашилди. Қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Б.ХИДИРОВА,  
ЎЗА мухбири

## Тиббиёт тараққиёти янги босқичда

Шифокор деганда, ҳар биримизнинг кўз ўнгимизда ўзининг ширин сўзи ва тиббий муолажаси билан вужудимизга малҳам бўлган, ўзининг тинимсиз ва машаққатли меҳнатларини, меҳрини аямаган, шунинг билан бирга, бутун умрини тиббиёт соҳасига бағишлаган олийжаноб инсонлар намоён бўлади ва албатта қалбимизни уларга бўлган чексиз ҳурмат ва миннатдорчилик туйғулари чулғаб олади.

3 ➤



## Васийлик ва ҳомийлик: болалар манфаатлари ҳимояда

### Фракция йиғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг қонун лойиҳалари муҳокамаларига бағишланган навбатдаги йиғилишида дастлаб «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги ҳамда «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳалари муҳокама қилинди. Таъкидланганидек, қонун лойиҳаларини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида келиб тушган 300 га яқин таклифлар орасида Ўзбекистон «Адолат» СДП фракция аъзоларининг ҳам бир қатор таклифлари инobatга олинган.

2 ➤

## Тарғибот ишларининг таъсирчанлиги — ёшларда маънавий иммунитетни шакллантиришнинг бирламчи талаби

### «Ёш адолатчилар» ташаббуси

Ўзбекистон «Адолат» СДП «Ёш адолатчилар» қаноти ташаббуси билан партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда Тошкент молия институти билан ҳамкорликда «Талаба-ёшларнинг мафқуравий иммунитетини оширишнинг маънавий-ҳуқуқий асослари» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.



3 ➤

## Ахборот манбаи

### инвестицион ҳамкорликни кучайтириш имконини бермоқда

#### Ҳуқуқий эксперимент

— Фуқароларни давлат бошқарув идоралари фаолиятдан хабардор қилиш мақсадида яратилган ахборот базаси, интернетдаги веб-сайтими орқали тақдим этиладиган маълумотлар нафақат жамоатчиликда у ёки бу соҳадаги аҳволга нисбатан объектив муносабатни пайдо қилишга, ҳудуддаги инвестицион муҳитни, тадбиркорликнинг иқтисодий истиқболларини дунё миқёсида тарғиб этишимизга ҳам хизмат қилмоқда.

Самарқанд тумани ҳоқими Баҳодир Саъдуллаевнинг вилоятдаги оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида ўтказилган брифингидagi ушбу эътирофи журналистларда қизиқиш уйғотиб, кўлаб сўвал-жавобларга сабаб бўлди. ОАВ вакиллари ўз саволларига ойдинлик киритиш мақсадида ҳоким ва унинг ўринбосарлари ҳамроҳлигида тумандаги бошқарув идоралари ва ишлаб чиқариш корхоналарига ташриф буюрдилар.

7 ➤

### «ОБУНА — 2014»

Қадрли юртдошлар!  
Азиз муштарийлар!

«Adolat» газетаси — маънавиятимизни янада бойитишда, ижтимоий фаоллигимизни оширишда, жамиятни демократлаштириш, халқимизнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш йўлида замондошларимиз ҳамжиҳатлик билан бажараётган хайрли ишларнинг фаол тарғиботчисидир.

2014 йил учун обуна бошланди.  
Обуна бўлинг!

«Adolat» нинг нашр индекси — 100  
«Adolat» ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ХАМРОҲИНГИЗ БУЛИШИГА ИШОНАМИЗ!

Сиёсат

# Васийлик ва ҳомийлик:

## болалар манфаатлари ҳимояда

Давоми. Бошқ. 1-бетида

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси раҳбари С.Турсунов Президентимиз бошчилигида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш жараёнида аҳолини аниқ, манзилли ва кучли ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилётганини таъкидлади.

Бу жараёнда болалар манфаатларини ҳимоялаш, айниқса, ота-она меҳридан бебахра қолган ўғил-қизларнинг тўлақонли таълим олиши, касб-хунар эгаллаши, жамиятга интеграциялашувини таъминлаш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур йўналишдаги ҳуқуқий кафолатлар мамлакатимиз Конституцияси, бир қатор қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган.

Бугунги кунда васийлик ва ҳомийлик йўналишидаги ҳуқуқий муносабатлар асосан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Оила кодекси, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги қарори билан тасдиқланган «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги низом» ва бошқа алоҳида меъёрий ҳужжатлар би-

лан тартибга солинади. Аммо ушбу ҳужжатларда васийлик ва ҳомийликка муҳтож барча тоифадаги, айниқса, суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган ҳамда муомалага лаёқатли, соғлиги тушунчаларини янада аниқ асослантириш, бу борада халқаро тажрибани ҳисобга олиш лозимлигини илгари сурдилар.

Шунингдек, мажлисда «Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат органининг ташкил этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаларининг қабул қилиниши мамлакатимизда васийлик ва ҳомийлик тизимини ривожлантириш, мазкур йўналишдаги идора ва муассасалар фаолияти очкилиги ва ошқоралигини таъминлашга ҳизмат қилади. Бу борадаги механизмнинг такомиллашуви васийлик ва ҳомийликка муҳтож шахсларнинг барча тоифалари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятларини янада кенгайтиради.

Қонун лойиҳасини муҳокама

қилиш жараёнида фракция аъзолари томонидан партия дастурий гоёларидан келиб чиқиб қатор таклифлар билдирилди.

Фракция аъзолари А.Раҳмонов, Т.Абдусатторов, О.Ахунва ва бошқалар қонун лойиҳасида васийлик ва ҳомийлик тушунчаларини янада аниқ асослантириш, бу борада халқаро тажрибани ҳисобга олиш лозимлигини илгари сурдилар. Шунингдек, мажлисда «Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат органининг ташкил этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаларининг қабул қилиниши мамлакатимизда васийлик ва ҳомийлик тизимини ривожлантириш, мазкур йўналишдаги идора ва муассасалар фаолияти очкилиги ва ошқоралигини таъминлашга ҳизмат қилади. Бу борадаги механизмнинг такомиллашуви васийлик ва ҳомийликка муҳтож шахсларнинг барча тоифалари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятларини янада кенгайтиради.

Қонун лойиҳасини муҳокама қилинди.

Илҳос САХАТОВ,  
«Adolat» мухбири



# Барча ютуқларимизнинг ҳуқуқий асоси

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кўни

Бугунги тийғ ва осуда ҳаётимиз, барча соҳаларда эришадиган ютуқларимиз, она Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаши замирида Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган ҳуқуқ ва кафолатлар муҳасам. Президентимиз ташаббуси, халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан бундан 21 йил муқаддам қабул қилинган Асосий қонунимиз барча соҳалар каби таълим тизимини ҳам сифат ва мазмун жиҳатдан тубдан ислоҳ қилиш, унинг дунё миқёсида кенг эътироф этилиши, ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва барқарор, юксак маънавиятли инсонлар этиб вояга етказишда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2001 йил 4 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳуқуқий онги ва маданиятини янада юксалтириш, ёшларни ватанпарварлик, юрт равнақида дахлдорлик руҳида камол топтиришда муҳим дастуриямал бўлиб хизмат қилмоқда.

— Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш борасидаги изчил ишларда қонун устуворлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи Ҳикматилла Даминов. — Зеро, давлатимиз раҳбари томонидан илгари суринган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билим тарғиботи тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш, уни изчил амалга ошириш муҳим вазифа сифатида алоҳида белгиланган.

Айни пайтда мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий билим ва саводхонлигини юксалтириш, ҳуқуқий таълимни янада такомиллаштириш бўйича кенг қўламли ишлар бирга сановатни янада ривожлантириш, махсулот турлари ва ҳажмларини ошириш, энг муҳими, вилоятимизнинг экспорт салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилишдир.

Савдолим АБДУРАҲМОНОВ

риш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги фармони ҳамда юқорида номи қайд этилган фармойиш бу борадаги ишларни янада юқори босқичга кўтаришда муҳим омил бўлмоқда.

Бугунги кунда мактабгача тарбия муассасалари ва умумтаълим мактабларида ёш авлоднинг ҳуқуқий билим ва саводхонлигини юксалтириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, халқ таълими тизимидаги мавжуд 9765 умумтаълим мактабиде таҳсил олаётган 4 миллион 464 минг нафардан ортиқ ўқувчи Конституция асосидаги ҳуқуқий билимларнинг ўқитилиши тегишли давлат таълим стандартлари асосида алоҳида-алоҳида босқичларга ажратилган ҳолда амалга оширилмоқда.

Конституцияимизнинг мазмун-моҳияти, унинг аҳамияти кичинтойларнинг ёши, дунёқароши, психофизик хусусиятларини инобатга олган ҳолда, мактабгача тарбия муассасаларидан бошлаб ўргатилмоқда. Мактабгача тарбия масканлари тарбияланувчилари — кичик ёшдаги болалар учун «Конституция сабоқлари», умумий ўрта таълим мактабларининг 1-4-синфларида «Конституция алифбоси» курси, 5-7-синфларда «Конституция оламига саёҳат» курси, 8-синфда «Давлат ва ҳуқуқ асослари» ва 9-синфда «Конституциявий ҳуқуқ асослари» фанлари ўқитилмоқда. Бунда илгор педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари, ўқитишнинг самарали усулларидан кенг фойдаланилаётгани Асосий қонунимизнинг ҳаётбахш аҳамиятини ёш авлод онгига чуқур сингдиришга хизмат қилаптир.

Конституцияимиз замирида-

ги билимларни ўқувчиларга етказиш, улар ўртасида ахлоқий-ҳуқуқий мавзуда юқори самара берадиган тадбирларни ўтказиш, дарс жараёнида ҳуқуқий таълим-тарбияни тўғри йўлга қўйиш юксак тафаккурли авлодни шакллантиришнинг асосий шартларидандир. Ушбу талабдан келиб чиқиб, умумтаълим мактабларида Конституцияни ўрганишни ташкил этиш йилдан-йилга такомиллаштириб бормоқда. Ҳуқуқий таълим-тарбияни сифатли амалга ошириш мақсадида ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ва Республика таълим маркази мутахассислари томонидан 22 номдаги ўқув-услубий қўлланмалар яратилди. Ушбу адабиётлар билан бирга 1-4-синфлар учун «Конституция алифбоси», 5-7-синфлар учун «Конституция оламига саёҳат», 2-9-синфлар учун «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси» изоҳли лугатлари тайёрланди, нашр этилди. Бундан ташқари, 8-9-синфларда «Давлат ва ҳуқуқ асослари» дарсини мазмунли ташкил этиш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси» номли плакатлар тўғрисида таллов асосида тайёрланиб, умумтаълим мактабларида етказилди. Шунингдек, 8-9-синфлар учун Асосий қонунимизни кенг ўрганишга доир қатор электрон ахборот таълим ресурслари яратилди. Бугунги кунда ушбу электрон дарсликлар билан таълим муассасаларидаги ахборот-ресурс марказлари тўлиқ таъминланган.

Ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимини юксалтириш ўқув предметлари билан бирга фанлар таркибиде интеграциялашган тарзда амалга оширилмоқда. Масалан, фуқароларнинг давлат ва жамият олдидеги бурчлари, масъулияти, ижодий-интеллектуал имкониятларини юзага чиқаришга оид ҳуқуқий кафолатлар «Миллий истиқлол гоёси ва маънавият асослари» фани орқали, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга оид ҳуқуқий тушунчалар «Иқтисодий билим асослари», ёшларнинг оила ва жамият олдидеги масъулиятини ошириш, тиббий маданиятини юксалтириш, атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишига оид ҳуқуқ ва бурчлари «Соғлом авлод асослари» дарсларида кенг ўргатилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Конституцияимизда белгиланган ҳуқуқий кафолатларнинг мазмун-моҳиятини ўқувчиларга етказишда турли кўрик-танловлар, ижодий бешлашувларнинг аҳамияти беқиёс. Бугунги кунда Халқ таълими вазирлиги томонидан ёш авлоднинг ҳуқуқий билим ва тафаккурини ўсти-

риш мақсадида турли кўрик-танловлар, учрашувлар, давра суҳбатлари мунтазам ташкил этилмоқда. Жумладан, халқ таълими тизимида ҳар йили 10 ноябрдан — 10 декабргача «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — инсон ҳуқуқларининг кафолати» ойлги, 1 январдан — 1 февралгача «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фан ойлгини ташкил этиш ананалари айланган. Умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида 2001 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ва Адлия вазирликлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Бадиий академияси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ва «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси ҳамкорлигида «Конституция — бахтимиз пойдевори» кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда. Ўқувчи-ёшлар ўртасида ушбу кўрик-танловга қизиқиш йилдан-йилга ортаётганини унда иштирок этаётган ўғил-қизлар сафи кенгайиб бораётганидан ҳам яққол кўриш мумкин.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда амалга оширилаётган изчил ислохотлар, қўлга киритилган ютуқ ва марраларимиз, навқирон авлоднинг камолоти йўлидаги кечиксиз меҳр ва ғамхўрликлар Асосий қонунимизда белгиланган ҳуқуқ ҳамда кафолатларнинг амалдаги ифодасидир. Шу боис таълим масканларида Конституциясини ёш авлодга ўргатиш жараёнида мустақиллик — бу энг аввало ҳуқуқ экани, ёшларнинг пухта билим олиши, юксак фазилатлар соҳиб бўлиб камолга етиши, ижодий-интеллектуал салоҳиятини ошириш, барча эзгу орзу-умидларини рўйбга чиқаришнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори экани дарсликлардан ташқари ҳужжатли фильмлар, тарихий манбалар, адабиётлар ёрдамида чуқур сингдирилмоқда.

Айни кунларда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 21 йиллиги муносабати билан ҳуқуқшунос олимлар, мутахассислар иштирокида таълим масканларида ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатларида мамлакатимизда ҳар томонлама ривожланган, юксак билимли, мустақил фикрлайдиган, соғлом ва барқарор авлодни вояга етказишда Конституцияимиз ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани ўқувчи-ёшларга кенг етказилаптир.

Н.УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири

# Ҳиссамиз борлигидан фахрланамиз

Муносабат

Ўзим оддий қишлоқ фарзандиман. Шунга қарамай, ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол қатнашишни ёқтираман. Яқиндан бери эса Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзосиман. Партия олға сураётган гоёлари ўзимга маъқул келганидан шундай қарорга келгандим.

Партиядошларимизнинг ижтимоий ҳаётнинг барча жабхаларида фидокорона меҳнат қилаётганликлари, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш ишига салмоқли улуш қўшаётганликлари меннинг қалбимни ғурур ва ифтихорга тўлдирди. Айни пайтда ўзим ҳам зиммамдаги масъулиятни чуқур англаган ҳолда ишлашга, бошқалардан ортда қолмасликка ҳаракат қиламан.

Мана, бир неча йилдирки, фермер хўжалигига раҳбарлик қиламан. Иштирокимизда 65 гектар экин майдони бор. Бу йил 34 гектарга чигит қадаган эдик. Йил бўйи жамоамиз аъзолари фидокорона меҳнат қилдилар. Ҳосилдорлик гектар

бошига 38,5 центнерни ташкил этди.

Бободехқонлар яхши билишади. Мўл ҳосил осонликча етиштирилмайди. Йилдан йилнинг фарқи бор деганларидек, ҳар доим қандайдир об-ҳаво инжиқликлари рўй бериб туради. Бу йил ҳам бундан мустаасно бўлмади. Лекин миришқорларимизнинг қўл йиллик тажрибадан келиб чиқиб, оқилана иш тутганликлари вазиятдан чиқиб кетишимизга қўмаклашди.

Айниқса, Фоғиржон Сулаймонов, Элмурод Мавлонов, Абдухалил Холмирзаев, Фулом Исмаилов каби механизатор ва сувчилар жонбозлик кўрсатдилар. Ҳар бир агротех-

ника тадбири ўз муддатида ўтказилди. Тўғри, оз-оз ҳаловатдан воз кечишга мажбур бўлдик. Лекин пировард натижанинг юқори бўлганлиги ҳаммамизни қувонтирди.

Президентимизнинг Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига табрикномасини ўқиб, бир қувончига ўн қувонч қўшилди. Республикаимиз пахтакорларининг 3 миллион 350 минг тонналик улкан хирмонида ҳиссамиз борлигидан бениҳоя шодландик. Табрикномада туманимиз фермерлари ва деҳқонларининг меҳнатига юксак баҳо берилганлиги ҳам эътиборга моликдир.

Албатта, Президентимиз табригида билдирилган фикрлар биз фермерларни, деҳқонларимизни янги марралар сари руҳлантиради.

Бахтиёр ЙЎЛДОШЕВ,  
Уйчи туманидаги  
«Охунбобоев омад» фермер  
хўжалиги раҳбари

# «Намимпекс-текстиль» — тараққиёт дояси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 3 февралдаги «Наманган шаҳрида қурилиш тугалланмаган объект негизда замонавий тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорининг самарали ижроси жараёнида вилоятда яна бир истиқболли лойиҳа амалга оширилди.

Таъкидлаш жоизки, масъулият чекланган жамият шаклида ташкил топган «Намимпекс-текстиль» корхонасининг вилоят марказида қад ростланган тўрт қаватли маъмурий биноси Наманган шаҳрининг кўрғига янада кўрк бағишлади.

Эндиликда бу ерда йилгига 1 миллион 200 минг дона тайёр трикотаж тивек махсулотлари, шунингдек, пахта ва полиэфир толалари аралашмасидан 4-5 минг тонна рақобатбардод калава ип ишлаб чи-

қарилади. Бунинг учун корхонага 115 та замонавий тивек дастгоҳи, шу билан бирга Швейцариянинг «РИЕТЕР» машинасозлик корхонасида тайёрланган сўнгги русумдаги технологик тизим ўрнатилди. Айни пайтда бинонинг биринчи қаватида маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси ҳам иш бошлади. Шу муносабат билан вилоятда ишловчилар сони яна 200 нафарга кўпайди.

Корхона раҳбари А.Аҳмаджоновнинг сўзларига қараганда лойиҳани амалга ошириш

ишларига 16 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланган.

— Бу бошлаган ишларимизнинг дастлабкиси, — деди у биз билан суҳбатда. — Келгусида ишлаб чиқариш қувватини яна икки баробарга кўтариш ниятидамиз. Яъни, йилгига 2,6 минг тонна калава ип, 8 миллион метр пахта ва полиэфир толаси аралашмасидан иборат бўлган хом газлама, 1100 тонна трикотаж мато, 17 миллион метр газламани пардозлашга ихтисослашган бўёқпардозлаш линияларини ишга тушириш режалаштирилган. Мақсадимиз янги иш ўринларини кўпроқ яратиш ва шу билан бирга сановатни янада ривожлантириш, махсулот турлари ва ҳажмларини ошириш, энг муҳими, вилоятимизнинг экспорт салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилишдир.

Савдолим АБДУРАҲМОНОВ

Давомий, Бошиқ 1-бетда

Бугун мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида бўлган каби вилоятимизда ҳам соғлиқни сақлаш тизими ходимлари байрами зўр қувонч, кўтаринки кайфият билан кенг нишонланмоқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 26 августдаги «Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»-ги Қонунига кўра, мана етти йилдан буён «Тиббиёт ходимлари кунини» байрами соҳада муҳим кун сифатида қизгин нишонланиб келинмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш, соҳага илғор тиббиёт технологиялари ва даволаш услубларини жорий этиш, касалликларнинг олдини олиш, тиббиёт ходимлари меҳнатини моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш борасида тизимли ва кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Бунинг исботини Навоий вилоятида самарали фаолият олиб бораётган 10 та тиббиёт бирлашмаси, 8 та диспансер, 177 та амбулатория поликлиника муассасаси, 140 та қишлоқ врачлик пункти, 10 та қишлоқ участка-шифохонаси, 100 та бирламчи тиббий-санитария ёрдам муассасаси филиаллари, 4 та оилавий поликлиника, 2 та кўп тармоқли марказий поликлиника, 2 та мустақил шифохона, 5 та марказ, 8 та қон қуйиш станциялари, 9 та саломатлик институти маркази ва филиаллари мисолида яққол кўришимиз мумкин.

Айни пайтда ушбу муассасаларда 1672 нафар малака-



# Тиббиёт тараққиёти янги босқичда

ли шифокор ва 9913 нафар фидойи ҳамшира халқимиз саломатлигини таъминлаш йўлида собитқадамлик билан хизмат қилиб, бор билим ва кўникмаларини аҳоли саломатлигини сақлашга бағишлаб келмоқда.

Биргина жорий йилда тиббиёт муассасаларини қайта қуриш учун Қонимех туманида қиймати 1 млрд. 495 млн. сўм, Нурота туманида 1 млрд. 825 млн. сўм, Хатирчи туманида 472,0 млн. сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилгани, манзилли дастурга асосан 20 та ҚВПда қиймати 1 млрд. 100 млн. сўмлик мукамал таъ-

мирлаш ишлари олиб борилганилиги, шунингдек, вилоят онкология диспансерининг радиология бўлими ҳамда 100 ўринли болалар сил санаторияси янгидан барпо этилиши соҳага қаратилган эътибор намунаси.

Шу билан бирга, «Обод турмуш йили»да «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шиори ва «Саломатлик автобуси» лойиҳаси доирасида 8054 нафар Учқудук, Томди, Қонимех, Нурота ва Хатирчи туманларидаги энг чека 11 та қишлоқ аҳолиси чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилиб, зарурий бепул дори-

дармонлар билан таъминланган бўлса, 129 нафар беморга нуфузли шифохоналарда даволаш учун имтиёзли йўлланмалар берилди.

Айниқса, вилоятда саломатлик лойиҳалари ва давлат дастурларининг соҳага изчил татбиқ этилиши улкан ютуқларимиз омиви бўлиб хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, «Саломатлик-1» лойиҳаси асосида 90 та ҚВП 2,5 млрд. сўмлик тиббий жиҳозлар, «Саломатлик-2» ҳамда «Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш» лойиҳалари асосида 47 та ҚВП ва туғруқхоналар 65 турдаги 1,5 млрд. сўмлик замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланиши, «Саломатлик-3» лойиҳаси асосида Нурота, Навбахор, Томди, Учқудук, Қизилтепа ва Қонимех туманлари тиббиёт муассасаларида қиймати 1 млрд. 200 млн. АҚШ доллари бўлган Япониянинг «Shmadzu» фирмасида ишлаб чиқарилган рақамли рентген ва флюоро ускуналари келтирилганилиги аҳоли саломатлигини таъминлаш борасида эришилган муҳим ютуқдир.

Хусусан, истиқлол йилларида бир-биридан кўракам шифохоналар, поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктлари, диспансерлар, саломатлик ва диагностика марказлари тиббиёт этилиб, уларнинг моддий-техник базаси тубдан мустаҳкамланди. Жумладан, 81 та ҚВП янгидан бунёд этилган бўлса, 59 таси қайта таъмирланганлиги, жорий йилда Хатирчи, Учқудук ва Нурота туман ш-

илинч тез тиббий ёрдам бўлимлари қиймати 66 млн. 925 минг сўм бўлган махсус автотранспортлар билан таъминланганлиги, Жаҳон банки томонидан ҚВПларга 4 млрд. сўмлик тиббий жиҳозлар етказиб берилганлиги фикримиз тасдиғидир.

Шунингдек, қишлоқ врачлик пунктларида фаолият олиб бораётган шифокорлар малакасини оширишга қаратилган юксак эътибор боис, сўнгги икки йилда 8 нафар шифокорнинг АҚШ ва 6 нафар шифокорнинг Японияда малакаларини оширишга эришилди.

— Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, касалликлар сонини кескин камайтириш, аҳолига кўрсатилган тиббий хизмат сифатини яхшилаш борасида вилоятимиз тиббиёт ходимлари алоҳида ташаббускорлик кўрсатиб келмоқдалар. Бу саъй-ҳаракатлар қишлоқ врачлик пунктлари шифокорларининг фаолиятида ҳам ўзига хос мазмун касб этмоқда, — дейди Қизилтепа туман тиббиёт бирлашмасига қарашли қишлоқ врачлик пункти мудири, «Шухрат» медали соҳиби Гуландом Жумаева.

Ҳа, ўзининг ҳам шарафли, ҳам машаққатли меҳнати билан халқимиз саломатлиги йўлида кечая кундуз самарали меҳнат қилиб, ўз касбига содиқ бўлган соғлиқни сақлаш ходимлари билан ҳаммиша фахрланамиз.

Абдумажид Жўраев,  
«Adolat» мухбири

# Тарғибот ишларининг таъсирчанлиги —

## ёшларда маънавий иммунитетни шакллантиришнинг бирламчи талаби

Давомий, Бошиқ 1-бетда

Депутатлар, «Ёш адолатчилар» қаноти аъзолари ҳамда Тошкент молия институтининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирок этган тадбирда қайд этилганидек, истиқлол мамлакатимизга инсон ҳуқуқи ва эркинликлари олий қадрият саналган ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қуришдек бахтни инъом этди. Мустақилликни мустаҳкамлашда, демократик институтларни шакллантириш ва ривожлантириш, аҳолининг, жумладан, ёшларнинг ҳуқуқий онг ва маданиятини юксалтириш орқали уларнинг мафқуравий имунитетини ошириб бориш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада аҳолининг ҳуқуқий онг ва ма-

яшириш ёхуд йўқ қилиб юбориш ва бошқа жиноятлар қўришида инсон кадр-қимматини топтаётгани аянқлидир.

Гарчанд, бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 135-моддасида жавобгарлик назарда тутилган бўлсада, ёшларнинг бу жиноят гирдобига тушиб қолишининг олдини олиш ва оғоҳликка даъват этиш долзарблигича қолмоқда.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси «Инсон манфаатлари — энг олий қадрият!» тамойилига асосланган ҳолда бу каби инсон ҳуқуқларини топтовчи иллатларга қарши курашиш борасида ёшлар орасида тарғибот ишларини кучайтириш масаласига дастурий вазифаларидан бири сифатида қараб келмоқда. Зеро, жойлар-




даниятини юксалтириш йўлида даставвал Президентимизнинг 2001 йил 4 январдаги фармони асосида Ўзбекистон Республикаси Конституциясини таълимнинг барча бўғинларида, жумладан, мактабгача ва умумтаълим мактабларида, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида ўрганиш жорий этилди. Бу эса ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзолари бугунги кенг миқёсда интеграция ва глобаллашув жараёнида ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш билан бир қаторда уларда мафқуравий имунитетни шакллантириш ва ривожлантириш долзарб аҳамиятга эга эканлигига эътибор қаратишди. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ҳам сайловдаги дастурий орқали Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига асосланган мамлакатимиз таълим тизимининг энг яхши аъзоларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш тарафдори сифатида ўз навбатида маънавий жиҳозлаш жамиятни шакллантириш балки фуқаролик жамиятининг барча институтлари, хусусан, сиёсий партиялар олдида турган долзарб вазифа эканлигини таъкидлади. Шу йўл билангина уларни одам савдоси қурбонига айланмиш қолишлари ёхуд турли зарарли иллатлар ва жиноятчилик гирдобига тушиб қолишларининг олдини олиш мумкинлигини қайд этди.

Бундан ташқари, тадбирда сўз олганлар ёшларнинг қалби ва шуурда мафқуравий имунитетни шакллантириш ва ривожлантириш, аввало, таълим-тарбия, ҳуқуқий тарғибот ва ташвиқот орқали амалга оширилган экан, бундай эзгу ишда оила, маҳалла ва меҳнат жамоасининг ҳамжиҳатлиги ва фаоллигини ошириш лозимлиги юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Зеро, мафқурамининг асосий ғояси — ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, ёшларни қимматли инсон этиб тарбиялаш, ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик ва баргиреклик саналиши яна бир бора эътироф этилди.

Қизғин ва очик мулоқотларга бўй бўлган давра суҳбатини давомидан иштирокчи ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга депутатлардан батафсил жавоб олдилар.

Илос САХАТОВ,  
«Adolat» мухбири



# Соғлом оила камоли

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасига кўра, оила жамият ва давлат муҳофазасидодир. Мазкур конституциявий принцип мамлакатимизнинг қатор қонунларида, жумладан, Оила кодексида ривожлантирилган бўлиб, соғлом оила қуриш учун барча зарур шарт-шароит яратди. Маълумки, ҳар қандай касалликни даволашдан кўра, унинг олдини олиш осонроқ ва муҳимроқдир.

Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш Оила кодексига мувофиқ амалга оширилади ва «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида», «Психиатрия ёрдами тўғрисида», «Одамнинг иммунитет танқислиги вирус билан касалланишининг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида»-ги, «Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида»ги Низом ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Янги оила қураётган шахсларнинг тиббий кўриги соғлом оилани шакллантириш учун шарт-шароитлар яратиш, ирсият билан боғлиқ ва туғма касалликларга чалинган болалар

туғилишининг олдини олиш мақсадида амалга оширилади. Шунингдек, тиббиёт ходимлари, сил касаллиги ва ОИВ/ОИТС юзасидан тиббий кўриқдан ўтказилмаганлар. Санаб ўтилган касалликлар ўз хусусиятига кўра хавфли касалликлар жумласига кириб, соғлом оила қуришга тўсиқлик қилиш билан бирга никоҳланган шахсларнинг соғлиги, ҳатто ҳаётини ҳам хавф остида қолдиради.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 17-моддасига кўра, никоҳланувчи шахслар давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида бепул асосда тиббий кўриқдан ўтказилар.

Бироқ, айрим туман поликлиникалари томонидан ушбу мuddатга риоя қилинмаган. Хусусан, тиббий кўриқдан ўтиш тўғрисидаги маълумотномалар 45 кунга кечиктирилиб берилган.

Шунингдек, ёшлар ўртасида никоҳгача тиббий кўриқдан ўтиш долзарб масала эканлиги юзасидан тушунириш ишлари етарли даражада олиб борилмаганлиги сабабли, айрим ҳолларда никоҳланувчи шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган касалликлар бўйича тиббий кўриқдан тўлиқ ўтмаган. Шунга қарамастан, уларга тиббиёт муассасалари томонидан тиббий кўриқдан ўтганлиги ҳақида маълумотнома берилган.

Айрим тиббиёт муассасаларида эса, аксинча, белгиланган ҳажмдан ортиқ тиббиёт мутахассислари қўриқдан ўтказилган.

Никоҳланувчи шахсларга аниқланган касалликларнинг никоҳ тузилганидан кейин юзга келиши мумкин бўлган оқибатлари ҳақида тушунириш қилинмаган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш ва олдини олиш юзасидан тегишли органларга тақдимнома ҳамда тақлифлар киритилиб, уларга асосан интизомий жавобгарлик ва лавозимдан озод этиш каби чо-

## Партия ҳаёти

# ҲУДУДИЙ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

## Сафдошларимиз қанча кўпайса, фаолиятимиз шунча кучаяди

### БПТ — партия таянчи

Сиёсий партияларнинг бугунги кунда жамиятда тутган ўрни тобора ортиб бормоқда. Таъкидлаш лозимки, партиянинг обрўси, фуқаролар ишончини қай даражада қозона олиши, сиёсий жараёнлардаги фаол иштироки ва энг асосийси, бошқа партиялардан устунлиги унинг сафидаги аъзоларнинг салмоғи ва жонбозлигига боғлиқ. Бу борада партиянинг асосий таянчи бўлган БПТлар алоҳида ўрин тутди. Қай бир партия аъзоси, у депутат ёки бошланғич ташкилот аъзоси бўладими, сайловчи ишончини қозона олмаса, электорат вакилларининг ҳаётий муаммоларига бефарқ қараса, ўз партиясининг сиёсий майдондаги обрўсига пўтур етказди.

Айни пайтда Ўзбекистон "Адолат" СДП Андижон вилоятидаги ҳудудий партия ташкилотлари мутасаддилари ана шундай мезон асосида фаолият олиб бормоқдалар. Хусусан, партиянинг Асака туман кенгашидаги БПТларнинг ҳисобот йиғилишлари ҳам айни шу мақсадга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Бугунги кунда туманда тўққизта куйи ташкилот фаолият кўрсатмоқда. 504 нафар партия аъзосини бирлаштирган мазкур ташкилотлар ишида, тарғибот-ташвиқот, тadbирлари сифатида ижобий ўзгаришлар кўзга ташланаяпти, аммо ҳали олдинда масъулиятли ва айни дамда қизгин партиялараро

рақобат ва сиёсий жараёнлар кутиб турибдики, бу ҳар бир партия фаолидан ташаббускорлик ва кучли иродани талаб этади.

Келинг, шу ўринда жойларда ўтказилган ҳисобот йиғилишлари натижаларига назар ташлайлик. 2011 йилда "GM-Uzbekistan" қўшма корхонасида партиянинг туман кенгаши ташкил этилган. Шухратбек Абдуллаев етакчилик қилаётган мазкур БПТ дастлаб атиги 7 нафар партия аъзоси билан иш бошлаган. Қисқа вақт ичида партиянинг туман кенгаши фаоллари билан бирга сайловолди дастурида кўзда тутилган вазифалар — ижтимоий адолатни қарор топтириш,



қонун устуворлигига эришиш, муқобил энергия манбаларини кенг жорий этиш, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш каби гоёлар кенг тарғиб қилинди. Натижада бугунги кунга келиб, корхона ишчи-хизматчилари сафидаги партия аъзолари сони 36 нафарга етди, хайрихоҳларимиз ҳам кўпчиликини ташкил этмоқда.

— Ҳисобот даврида биргина аъзолар сонини кўпайтириш билан чекланиб қолмадик, — дейди БПТ етакчиси Шухратбек Абдуллаев. — Кейинги пайтларда Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида қабул қилинган қонунлар, Президентимиз фармон ва қарор-

лари мазмун-моҳияти, партия-миз дастуридаги мақсад ва вазифаларни амалга оширишга оид 15 дан ортик тadbир ўтказилди. Биргина туман тиббиёт бирлашмаси билан ҳамкорликда қатор "Саломатлик акциялари" ташкил этилди. Кам таъминланган 7 та оила доимий ижтимоий химоямизга олинган.

Шунингдек, ўз атрофига 150 нафар партия аъзосини бирлаштирган Асака туман тиббиёт бирлашмасидаги бошланғич ташкилот фаолиятини ҳам ижобий баҳолаш мумкин. Тиббиётчи маслақдошларимиз партияимизнинг сайловолди дастуридан келиб чиқиб, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилашни ўз олдларига асосий вазифа сифатида белгилаб олган. Бу бо-

рада ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда иш юритилаётгани янада самарали бўлмоқда. Куйи бугун етакчиси А.Аҳмадалиевнинг ҳисоботида кўрсатилганидек, партия фаоллари фуқаролар орасида давлатимизнинг бугунги кундаги сиёсати, амалга оширилаётган ислохотлар ва қонунчилигимизга киритилаётган ўзгаришларни ҳам тарғиб қилиб бормоқда. Бу ўз-ўзидан сафдошларимиз сафининг кенгайишига хизмат қилмоқда.

Бироқ беш қўл баробар бўлмаганидек, айрим ташкилотлар ишини кўнгилдагидек, деб бўлмади. Жумладан, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, Асака педагогика касб-хунар коллежи, "Ниёзботир" МФЙ ҳамда "Кужган" ҚФЙлардаги БПТлар фаолиятида бир қатор камчиликлар кузатилди. Айниқса, партиявий тadbирлар номигагина ўтказилаётгани, партия сафини кенгайтиришга эътибор қаратилмаётгани, ёшлар ва аёллар билан иш-лашдаги камчиликлар умумий муваффақиятларимизга соя солиши мумкин. Шу боис, номлари зикр этилган бошланғич партия ташкилотларига сиёсий етук, ташаббускор, фидойи, билимли ёшлар раис этиб сайланди.

**Аббаржон НАЗАРОВ,**  
Ўзбекистон "Адолат" СДП  
Андижон вилояти Кенгаши  
матбуот котиби

## Маҳалла — фуқаролик жамиятининг ўзига хос тузилмаси

Айни кезларда республикаимизда фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари сайловлари ўтказилаётгани муносабати билан Термиз шаҳрида "Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг ташкилий-ҳуқуқий асослари" мавзусида семинар уюштирилди.

Тadbирни Термиз шаҳар фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этишга кўмаклашувчи комиссия раиси, Халқ депутатлари Термиз шаҳар кенгашига Ўзбекистон "Адолат" СДПдан сайланган депутат Зокир Сафаров олиб борди.

— Давлат ҳокимияти органлари ваколатларини босқичма-босқич фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бериш "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилини амалга оширишнинг асосий омилдир. Бу эса аҳолининг энг долзарб муаммоларини ҳал этишда ва давлат бошқарувида фуқароларнинг ҳаққоний иштирокини таъминлашда маҳалланинг ўрни ва аҳамиятини яна-

да оширади, — дейди З.Сафаров. — Шу боис фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг чинакам демократия ва муқобиллик асосида ўтиши жуда муҳимдир. Шундай экан, ушбу тadbирларни уюшқоқлик, ҳамжихатлик асосида ўтказишга эришиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш жоизки, жорий йилда беришга Термиз шаҳрида 30 та МФЙ раислари ва 330 нафар маслаҳатчиларнинг сайла-ниши кутилмоқда.

**Райҳон ЖУМАЕВА,**  
Ўзбекистон "Адолат" СДП  
Сурхондарё вилоят Кенгаши  
матбуот хизмати котиби

## Сайлов қонунчилигидан хабардорлик

фуқаролар фаолигини оширади

### Сиёсий ўқув

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Қашқадарё ҳудудий бўлини масида "Ўзбекистонда сайловларнинг демократия талабларига мос ўтишида сиёсий партияларнинг ваколатли вакили ҳамда кузатувчиларнинг ўрни ва аҳамияти" мавзусида сиёсий ўқув ташкил этилди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП фаолларининг сиёсий-ҳуқуқий билимларини янада бойитиш, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот тadbирларини ҳозирги замон талаби асосида ташкил этиш юзасидан уюштирилган тadbирда бир қатор долзарб мавзулардаги маърузалар тингланди. Айниқса, вилоят сайлов комиссияси масъул котиби Неъмат Рўзиёвнинг "Сайлов жараёнларида сиёсий партияларнинг ваколатли вакили ва кузатувчиларнинг вазифалари" мавзусидаги маърузаси йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Жумладан, Қарши туманидаги 34-мактаб ўқитувчиси, "Адолат" СДП фаоли Гулноза Бобоқулова тadbирда билдирилган қимматли таклиф, мулоҳазалар асосида аниқ режалар тузиб олинса, бўлғуси сайловда ваколатли вакил ва кузатувчилар ишини ташкил этиш осон кечиси ҳақида сўзлади.

— Ҳар бир мамлакатда демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини сайловларсиз тасаввур этиб бўлмайди, — деди Гулноза Бобоқулова. — Негаки, давлат ҳокимиятини шакллантиришда фуқаролар иштирокини таъминлаш фақат сайловлар орқали амалга оширилади. Сайловлар ўтказилиши ҳокимиятнинг халқ олдидаги масъулиятини оширишга, фуқаролик жамиятининг янада кучайишига хизмат қилади.

Кун тартибидан ўрин олган "Адолат" СДП фаоли Гулноза Бобоқулова — Негаки, давлат ҳокимиятини шакллантиришда фуқаролар иштирокини таъминлаш фақат сайловлар орқали амалга оширилади. Сайловлар ўтказилиши ҳокимиятнинг халқ олдидаги масъулиятини оширишга, фуқаролик жамиятининг янада кучайишига хизмат қилади.

Нотиқ, сайлов тўғрисидаги Қонун ва уларга киритилган ўзгаришлар хусусида батафсил ўтхалиб, бундан буён фаолликини ошириш, партияда

ёш, билимдон ва малакали кадрлар иштирокини таъминлаш лозимлиги тўғрисида ўзининг бир қатор таклифларини билдириб ўтди.

Бўлажак сайловларга тайёргарлик юзасидан баҳс-мунозараларда фойдали ташаббуслар ва фаолият самарадорлигини ошириш юзасидан бир қатор таклиф, фикр-мулоҳазалар айтилди. Вилоят партия Кенгаши аъзолари саъй-ҳаракати билан бундай фойдали семинар-тренингларни туман Кенгашлари, қолаверса, БПТларда ҳам ўтказилса, сиёсий етуқликнинг янги қирралари очилишига туртки бўлиши алоҳида қайд этилди.

Мунозараларда партиянинг Қарши шаҳар кенгаши раиси Фаррух Иззатуллаев, Фузур туман сайлов комиссияси раиси Дўстмамат Кўчқоров, ФЖШ-МҚМИ ҳудудий бўлини маси раҳбари Рустам Аннаев, "Адолат" СДП фаоллари ва БПТ раислари Сабоҳат Мирзаева, Бахтигул Тоҳирова, Зуҳра Култоева, Гуллола Алимовалар ҳам сўзга чиқиб, республикаимизда миллий сайлов тизими вужудга келгани, унинг очик, ошқора ўтиши учун пухта ҳуқуқий механизм яратилганлигини эътироз эдилар.

Анжуман савол-жавобларга бой тарзда ўтди. Иштирокчилар томонидан сайлов қонунчилигига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти юзасидан тушган саволларга мутахассислар муфассал жавоб қайтаришди.

Сиёсий ўқув якунида сайлов тизимини янада демократлаштириш, сиёсий партияларнинг ваколатли вакили ва кузатувчиларнинг вазифалари, шунингдек, фуқароларнинг сайлов қонунчилигидан хабардорлик даражасини янада юксалтиришга хизмат қилувчи таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Комил САХАТОВ,**  
Ўзбекистон "Адолат" СДП  
Қашқадарё вилоят Кенгаши  
матбуот котиби

# Мурожаатлар эътиборда

### Депутатлик гуруҳларида

Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари томонидан сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. 2013 йилга мўлжалланган иш режаларининг оғишмай бажарилаётгани боис шундай ижобий натижаларга эришилаётир. Депутатлик гуруҳларининг бу иш режаларидан ҳудудлардаги корхона ва муассасалар раҳбарлари томонидан халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари қарорларининг бажарилиши, мансабдор шахсларнинг ахборотини эшитиш, депутат сўрови натижаларини сессия муҳокамасига киритиш, сайловчилар мурожаатларини ўрганиш каби масалалар ўрин олган.

Бугунги кунда Халқ депутатлари Сирдарё вилоят, туман ва шаҳар кенгашларидаги "Адолат" партиясидан сайланган депутатларимиз учун халқимиз ишончини оқлаш биринчи галдаги вазифа бўлиб турибди. Бунинг учун депутатларимиз, аввало, жойларда аҳолини ўйлантираётган муаммолар ечимини топиш, қабул қилинаётган фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш юзасидан депутатлик назоратини ўрнатишга катта эътибор қаратяптилар.

Хусусан, жорий йил давомида вилоятдаги партия депутатлик гуруҳлари томонидан жойларда қонун ҳужжатлари ижросини ўрганиш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича 10 дан зиёд мансабдор шахснинг ахбороти эшитилиб, ОАВ орқали кенг ёритилди.

Айни пайтга қадар халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи томонидан 3 та, туман ва ша-

ҳар депутатлик гуруҳларида эса 16 та масала муҳокама қилинди.

Халқ ишончини оқлаш, тақан депутатларимиз учун халқимиз ишончини оқлаш биринчи галдаги вазифа бўлиб турибди. Бунинг учун депутатларимиз, аввало, жойларда аҳолини ўйлантираётган муаммолар ечимини топиш, қабул қилинаётган фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш юзасидан депутатлик назоратини ўрнатишга катта эътибор қаратяптилар.

Халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгаши депутатлик гуруҳи раҳбари Ф.Раимназаров "Карвонсарой-1" маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро Б.Шомирзаевнинг ногиронлар аравачаси олишда амалий ёрдам кўрсатиш борасидаги мурожаатини ижобий ҳал қилишга эришди. Депутатнинг сўрови асосида "Карвонсарой-2" маҳалласидаги коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги камчиликлар бартараф этилди.



Халқ депутатлари Гулистон шаҳар кенгаши депутати Мастура Эминованинг депутатлик қабулхонасига жорий — "Обод турмуш йили" нинг 9 ойи давомида уй-жой, мол-мулкка эгаллик қилиш, тadbиркорлик фаолияти, турли хилдаги олди-сотди шартномалар, коммунал соҳалардаги муаммолар, шаҳар ободончилиги, ижтимоий таъминот масалаларига оид 50 га яқин мурожаатлар келиб тушган. Мазкур мурожаатлар асосида депутатлик ваколатлари доирасида фуқароларга тегишли тартибда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш борасидаги мурожаатини ижобий ҳал қилишга эришди. Депутатнинг сўрови асосида "Карвонсарой-2" маҳалласидаги коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги камчиликлар бартараф этилди.

— Депутат учун халқ ишончи биринчи даражали вазифа бўлиши даркор. Бунинг учун сайловчилар билан доимий алоқа ўрнатиши, уларни ўйлан-

тираётган масалаларни маҳаллий кенгашлар сессиялари кун тартибига киритиши ва уларни ечишга интилиши лозим, — дейди М.Эминова.

Халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи томонидан ўтган вақт мобайнида сайловчилар ва аҳоли орасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни тарғиб қилиш, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини янада оширишга қаратилган тadbирлар ўтказилди. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси тарғиботига бағишланган "Концепция — келажакимиз пойдевори", "Одам савдоси — умр

заволи", "Вояга етмаганлар назоратида оила ва маҳалланинг ўрни", "Мустақиллик — олий неъмат", "Таълим олиш ҳуқуқи — давлат химоясида" каби мавзулардаги давра суҳбатлари, семинар ва учрашувлар фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини оширишга хизмат қилаяпти.

Хуллас, Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари партия электорати ишончини оқлаш, халқимиз манфаатларига мос келадиган масалаларни ҳал этишда янада фаол бўлишга интилмоқдалар.

**Шухратжон ҲАСАНОВ,**  
Ўзбекистон "Адолат" СДП  
Сирдарё вилояти Кенгаши  
матбуот котиби

«Адолат» лойиҳаси

Ўзбекистон «Адолат» СДП «Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони» сайловолди дастури доирасида «Шаҳар ва қишлоқда бир хил шароит» лойиҳасини амалга оширмақда. «Мақтаб ва мактабгача таълим муассасаларида болаларни тиббий хизмат билан таъминлаш тизимини мустаҳкамлаш» мавзусида Хўжаобод туманида ўтказилган давра суҳбатида лойиҳани амалга оширишнинг чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Бош мақсад — ёшлар саломатлигини мустаҳкамлаш

Партия фаоллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлари, туман Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими бўлими мутасаддилари ва турли жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этган тадбирда маънан ва жисмонан соғлом

билан таъминланганлик даражасини ўрганишимиз, мавжуд камчиликларни аниқлаб, улар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш олдимиздаги асосий вазифалардандир, — дейди лойиҳа ишчи гуруҳи раҳбари, партиянинг парламентдаги фракцияси аъзоси З.Ботирова.



авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ва бу жараёнда «Адолат» партиясининг иштироки хусусида сўз борди.

— Сайловолди дастурида партиямиз аҳолининг кенг қатламларида кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш тарафдори эканлигини ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда ўз иштирокини янада кучайтиришни маълум қилган. Айни пайтда бу борадаги саъй-ҳаракатларини мактаб ва мактабгача таълим муассасалари доирасида болаларни тиббий хизматлар билан таъминлаш тизимини мустаҳкамлашга йўналтириши белгилаб олинган. Демак, биз сайловчиларга берган ваъданинг устидан чиқишимиз, уларнинг ишончини оқлашимиз керак. Акс ҳолда, навбатдаги сиёсий жараёнларда сайловчиларнинг ишончини йўқотамиз. Демак, нафақат марказдаги, балки чекка туманлардаги мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларида ўқувчиларнинг тиббий хизмат

Давра суҳбатида сўзга чиққан «Адолат» СДП вилоят Кенгаши раиси А.Шодмонов, партия Марказий аппаратининг «Хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлаш» бўлими мудири М.Дадаходжаева ва бошқалар ҳам ушбу лойиҳанинг мақсад ва вазифалари, бу борада амалга оширилган ва режалаштирилган ишлар юзасидан батафсил маълумот бердилар.

«Шаҳар ва қишлоқда бир хил шароит» лойиҳасини амалга оширишда вилоят ишчи гуруҳи тузилди ҳамда унга турли жамоат ташкилотларидан ҳам масъуллар бириктирилди. — Ушбу вазифалар ишчи гуруҳи томонидан таҳлил қилинади, ишлаб чиқилган ҳулоса ва тавсиялар халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари сессиялари кун тартибига аниқ масала сифатида киритилади, — дейди ишчи гуруҳи аъзоси М.Дадаходжаева.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон вилояти Кенгаши матбуот хизмати

Немис тили ўқитувчилари анжумани

Пойтахтимизда немис тили ўқитувчиларининг 9-анжумани бошланди. Уч кун мобайнида юртимизнинг 250 нафарга яқин немис тили ўқитувчилари ва доцентлари малака ошириш ва ўзаро тажриба алмашиш мақсадида ушбу анжуманда учрашишди.

Мазкур анжуман Гёте институти, Германия Халқ университети тартиблари уюшмасининг халқаро ҳамкорлик бўйича институти (dvv) ва Германия академик алмашинув хизматининг Бонн шаҳридаги офиси томонидан Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкиллаштирилган.

Жаҳон Иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги «Шайхонтоҳур» академик лицейида бўлиб ўтаётган анжуман ўзаро тажриба ва фикр алмашиш учун ажойиб имконият берди ҳамда «Немис тили чет тили сифатида» дарси бўйича малака ошириш учун фойдаланишга имконият қилади. Австриянинг таълим, санъат ва маданият ишлари федерал вазирлиги, Австрия алмашинув хизмати, Швейцариянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Ўзбекистон немис тили ўқитувчилари уюшмаси, Роберт Бош номи жағмафранс лекторлар дастури ва ДААД ҳамда Германиянинг дарсликлар чиқаришга ихтисослашган турли нашриёт-

лари мазкур тадбирни ҳам мольявий, ҳам мазмунан қўллаб-қувватлашди. Анжуман иштирокчиларини ушбу йилда ҳам жуда қизиқарли ва турфа хил дастурлар кутмоқда. Ўзбекистонлик, германиялик ва австриялик малакали мутахассислар томонидан олиб бориладиган ҳамда ўқув гуруҳлари ва тил билими даражаси кўра ажратилган қизқарлик амалий семинарлар немис тили ўқитувчиларининг 9-анжумани асосини ташкил этади. Анжуманининг маданий дастурлари доирасида иштирокчилар учун немис тилидаги фильм намойиши, Гёте-институтининг адабий кечаларини ўтказиш режалаштирилган.

Анжуман доирасида барча иштирокчи ташкилотлар ўз стэндлари билан қатнашадилар. Бунда бир қанча немис маданияти ташкилотлари иштирок этувчи «Мақтаблар: келажак ҳамкорлари» ташаббусига асос солинганнинг беш йиллигига алоҳида эътибор қаратилади.

Ғулом ХИДИРОВ

Партиядошлар етакчиси

«Адолат»нинг адолатли аёллари


Ўзбекистон «Адолат» СДП сайловолди дастурида ҳам, кундалик фаолиятда ҳам хотин-қизларни, ёшларни соғлом ва баркамол, юксак маънавиятли, ўз Ватани ва халқига садоқатли этиб тарбиялаш, уларнинг тиббий маданиятини, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ташаббус ва иланишларини қўллаб-қувватлаш муҳим ўрин тутди. Зеро, опа-сингилларимизнинг орзу-интилишларини рўёбга чиқариш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масалаларига қаратилаётган бундай эътибор мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида муҳим роль ўйнамоқда. Жамиятда бошқаларга ўрнак бўлиб, мустақил давлатимиз раёнасига муносиб ҳисса қўшаётган аёллар орасида партиямиз вакиллари ҳам кўпчиликти ташкил этаётганлиги яна бир қувончли ҳолатдир.

Юқоридаги фикрларни қозғога тушираётганимизда биринчилар қатори «Адолат» социал-демократик партияси Чортоқ туман кенгаши раиси Ҳабиба Мирабдуллаевани кўз олдимга келтирдим. Мен унинг фаолиятини анчадан бери кузатиб келаман. Партия иши учун жонкуярлиги, ўз олдига қўйган мақсадларига эришиши йўлида собитқадамлик билан интилиши, бунинг учун вақт билан ҳам ҳисоблашмаслиги, бутун куч-гайратини пировард натижа сари йўналтириши кишини қойил қолдиради. Шунинг учун бўлса керак, кейинги пайтда партиямизнинг мазкур туман ташкилоти ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланиб, сон жиҳатидан сезиларли ўсди.

— Ҳабибахон партиямизнинг ташаббускор фаолларидан, — дейди Наманган вилоят партия Кенгаши депутати, «Чортоқархитектурулиш» МЧЖ раиси Абдукарим Дўстбоев. — Энг аввало, ундаги тартиқчиликка, ишлаб чарчамаслигига тан бераман. Бирон кун йўқки, у ёки бу ташкилотга бормаса ёки биронта тадбирда қатнашмаса. Қаерда бўлишдан қатъий назар, албатта, «Адолат»ни тарғиб этади, сафдошларимизнинг ибратли фаолияти ҳақида сўз юрита-

ди. Шу туфайли партиямизнинг нуфузи ортиб бораётгани бежиз эмас, деб ҳисоблайман.

Депутатнинг гапларида жон бор. Адашмасам, ўтган йил охирида вилоят партия Кенгаши ижроқўмининг мажлисларидан бирида депутатлар билан партия ташкилотлари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш тўғрисида сўз борди. Шунда Ҳабиба ўз таъбиридан гапириб, албатта, депутат бор жойда БПТ тузилиши лозимлигини таъкидлади. Маълум бўлишича, худди ўша пайтда унинг саъй-ҳаракатлари билан «Чортоқархитектурулиш» масъулияти чекланган жамиятида бошланғич ташкилот тузилган ва эндигина иш бошлаган экан. Бугунги кунда мазкур БПТ туман ташаббускор бири саналади. Салкам эллик нафар аъзоси бор. Ҳолбуки, дастлабки пайтда партия аъзолари сони ўн кишидан иборат эди, ҳолос. Айнан туман партия ташкилоти етакчисининг ҳаракати билан мана шундай салоҳиятли БПТ тузишга келди. Бунинг учун неча марта мазкур МЧЖнинг курилиш объектларига борди, ишчилар ўртасида партиямиз фояларини тарғиб қилди, жамоа учун таниқли ижодкорлар ва санъаткорлар иштирокида



маънавий-маърифий тадбирлар ўтказди.

«Адолат» нуфузини кўтариш учун Чортоқда хилма-хил усуллар ва услублардан фойдаланилаётгани ҳам диққатга сазовордир. Ана шулардан бири кенг жамоатчилик ўртасида оғури-эътиборга эга инсонларни партияга жалб этиш ва улар атрофида хайрихоҳларни кўпайтиришдир. Масалан, шу йили «Зулфия» мукофоти совриндори, академик лицей битирувчиси Мехринос Аббосова «Адолат» СДП аъзоси бўлди. Бу истеъдодли ёш шора Чортоқда яшайди. Ҳабиба уни бир неча марта жойларда ташкил этилган учрашув ва мулоқотларга таклиф этди. Мехринос нафақат қобилиятли қаламкаш, балки партиямизнинг фаол аъзоси сифатида ҳам жамоатчилик қалбидан жой олди. Хусусан, шундай учрашувларнинг бирида транспорт ва алоқа коллежининг ўндан ортиқ ёш муаллимлари, йигирмага яқин битирувчи йигит-қизлар «Адолат» сафларига кириш истагини билдирдилар.

Ёки яқинда ўтказилган «Ил аёли» кўрик-танловнинг туман босқичини олайлик. Қатнашчи-

лар орасида Ҳабиба Мирабдуллаева ҳам бор эди. Баъзилар бундан ҳайрон ҳам бўлишди. Чунки унинг голиб чиқишидан гумонсирардилар. «Бу ерда асосий масала менинг голиб чиқишимда эмас, — деб жавоб берди ўшанда у кизиққанларга. — Муҳими қатнашим, партиямиз номини танитишим. Бу ҳам тарғибот-ташвиқот ишларига қиради». Ҳақиқатан шундай. Дарвоқе, Ҳабиба кўрик-танловда ёмон натижага эришгани йўқ. У «Энг сердаромад оила» номинациясида голиб, деб топилди.

— Ҳабибахоннинг чиқиши кўрик-танлов иштирокчиларида катта таассурот қолдирди, — дейди туман босқичи ҳаёт аъзоларидан бири, «Чортоқ ҳақиқати» газетасининг муҳаррири Дилбар Ҳайдарова. — Мена шахсан маълум келгани у ўзини таништириш маросимидан бошлаб то охиригача партия фаолиятига кенг тўхтади. Ўзи ва сафдошлари олиб бораётган ибратли ишлар ҳақида хикоя қилди. Ҳатто оила аъзоларининг тадбиркорлик борасидаги юмушларини ҳам «Адо-

лат» дастури ва фояларига боғлади.

Қаҳрамонимизнинг яна бир хислати — ҳеч қачон эришилган натижа билан қияфланмайди, ўринсиз хотиржамликка берилмайди. Боз устига, партиявий иш ҳам ҳеч қачон бир жойда тўхтаб қолишга имкон қолдирмайди. Олга ва яна олға боришни тақозо этади. Бу эса Ҳабибахоннинг интилишларига, кундалик фаолиятига, иш ва ҳаёт тарзига ҳам мос.

— Сайловлар йили тобора яқинлашмоқда, — дейди биз билан суҳбатда у. — Партиямизнинг ана шу муҳим сиёсий тадбирдаги муваффақиятли иштирокчи таъминлаш биз учун биринчи даражали вазифадир. Фаолларимиз, бошланғич ташкилотлар, қолаверса, барча сафдошларимиз ҳозир асосий диққат-эътиборларини айнан шу масалага қаратмоқдалар. Аввалги сайловларда йўл қўйилган камчиликларни таҳлил этиб, энди уларни такрорламаслик чораларини ҳам кўрамади. Шунда юзимиз ёруғ бўлади.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ, «Адолат» мухбири

Орзулари баланд марафончи

Партиядошларимиз фаолиятдан

Ишдан сўнг бўш вақт топдимми стадионга чопаман. 2-3 марта стадион бўйлаб югураман. Бу ерда чамаси 50 ёшлардан ошган, жуссаси кичкинагина, доим кулиб турувчи бир аёлни учратаман. Унинг бир югурганда тахминан 20 километр масофани босиб ўтиши ҳайратимни ошириди.

Қатор халқаро мусобақалар голиби ва совриндори, 1958 йилда таваллуд топган Мастура Остонова Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг жонкуяр ва фаол аъзоларидан бири.

Бухоро педагогика институтининг спорт факультетини тамомлаган қаҳрамонимиз дастлабки муваффақиятини талабалик йилларида қўлга киритди. Тошкентда 10 км.га «спортча юриш» бўйича ўтказилган мусобақада иккинчи ўринни эгаллаган Мастуранинг Бухоро Педагогика институтига ишга таклиф қилинди. У 15 йил шу институтда фаолият кўрсатган бўлса-да, аммо оилавий шароити ва соғлигининг ёмонлашгани туфайли узоқ йиллар спорт мусобақаларида қатнаша олмади. 1986 йилда спорт усталлигига номзодликка қўйилган М.Остонова фақат 2007 йилдан бошлаб яна «спортча юриш» йўналиши бўйича 10 километр масофали мусобақаларга тайёрлана бошлади. Муттасил машғулот ва иланишлар ўз самарасини бермай қўймади. Натижада у 2010 йилда республикамиз аёллари орасида

ўтказилган спорт фестивали мусобақасида биринчи ўринга сазовор бўлди. 2012 йили Москвада ўтказилган халқаро тинчлик марафонидан иштирок этиб, 50-54 ёшли иштирокчилар ўртасида биринчи ўринни эгаллади. Жорий йилнинг 29 сентябрь куни Москвадаги «Корольова марафонидан» қатнашиб, 1450 нафар спортчилар орасида 4 соат 20 минут 18 секунд натижа билан 3-ўринни забт этди. Албатта, 56 ёшли ўзбек аёлига бундай натижага эришишининг ўз қийинчиликларидан кўра.

— Ёшлигимдан спортга жуда қизиқардим, — дейди М.Остонова. — Жисмоний тарбия фани ўқитувчиси «Мастуранинг «нафаси» кейинроқ очилди. У узоқ масофага югурадиган спортчи — марафончи бўлади», деганларидан спорт ҳаётимнинг мазмунига айланишни тасаввур ҳам қила олмаганман. Ўша пайтларда



спортга ҳозиргидек эътибор кучли эмасди. Ҳозирги кунда Юртбошимиз томонидан спортга, айниқса, болалар спортга қаратилаётган эътибордан ва унинг самараси ўлароқ ёшларимизнинг халқаро спорт беллашувларида қўлга киритаётган ютуқларини кўриб, кўзимга ёш келади.

Айниқса, 42 километр жуда олимасофа, уни босиб ўтиш қийин туолади. Маррага яқинлашганда холдан тоясиз. Халқаро мусобақаларда маррага 500 метр қолганда қўлингизга республиканга байрогини туттишди. Ҳар гал Ўзбекистон байрогини қўлимга олганимни мени қўллаб турган Ватанимнинг, халқимнинг қудратини ҳис қиламан. Бу менинг кучимга куч қўшади. Мана шу 500

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси истиқлол йилларида жамиятда хотин-қизлар роли ва мақомини ошириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланганини қайд этади. Партия хотин-қизларга тааллуқли қонунчиликни янада такомиллаштириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир кенг кўламли ислохотларни изчил давом эттириш тарафдори. Биз учун хотин-қизларни давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг барча жабҳаларига жалб этиш, чуқур билим ва касб маҳоратиغا эга хотин-қизлар учун янада кенг имкониятлар яратиш ниҳоятда муҳимдир. Бу, ўз навбатида, демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида яна бир муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

(Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг сайловолди дастуридан)

метр масофани қандай югуриб ўтганимни сезмай ҳам қоламан. Мен 2012 йилдан буён Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзосиман. Партиянинг жамиятда аёллар мавқеини янада ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилган фоялари мени мазкур партия сафларига қўшилишга ундади. Келаси йил насиб этса, албатта, халқаро беллашувларда биринчи ўринни эгаллаб, ўзбек аёлининг кучи ва қудратини дунёга яна бир бор намойиш этаман. Бу менинг энг катта орзум. Албатта, бу орзумга етишишда партиямизнинг «Аёллар қано-

ти» мени қўллади, деб умид қиламан.

Мастура Остонова чакқон спортчи бўлиши билан бир қаторда, «Адолат»нинг халқлик фояларини тарғиб этишда жонбозлик кўрсатаётган фаоллардан бири ҳамдир. Кейинги пайтларда партиянинг вилоят Кенгаши томонидан ташкил этилаётган барча тадбирларида ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок этмоқда.

Шавкат КОМИЛЖОНОВ, Ўзбекистон «Адолат» СДП Бухоро вилояти Кенгаши матбуот котиби

Хуқуқ

# Қонунбузарларнинг “миси” чиқди

## Божхона бекати

Мамлакатимизда ишлаб чиқариш-техника буюмлари парчалари ва рангли металллар чиқиндиларининг ўғирланиши ҳамда ноқонуний олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш, республиканинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, қимматли хомашё ресурсларидан оқилона фойдаланишга қаратилган қатор чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Хусусан, Президентимизнинг 1999 йил 5 февралдаги “Рангли металллар парчалари ва чиқиндилари экспортини тартибга солиш тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ, рангли металллар парчалари ва чиқиндиларини ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиб кетиш тақиқланади. Шунингдек, худди шу кун қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг “Қора ва рангли металллар парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш, сақлаш, эҳтиётлаш ва топшириш тартиби тўғрисида”ги қарор билан тасдиқланган тартибларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан қора металл парчалари бўйича “Ўзметкомбинат” акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмасининг “Иккиламчиораметалл” корхоналар ҳўжалик ҳисобидига бошқармаси, рангли металл парчалари бўйича эса “Тошкент рангли металл парчалари, чиқиндиларини қайта ишлаш заводи” очик акциядорлик жамияти ваколатли тайёрловчилар ҳисобланадилар. Бу эса металл парчаларининг ҳаммаси мазкур тайёрловчиларга топширилиши мажбурий эканлигини аниқлатади.

Бундан ташқари, яна бир муҳим ҳужжат — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 июлдаги “Рангли металл парчалари, чиқиндиларини йиғиш, тайёрлаш ва қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори мазкур йўналишдаги камчиликларни бартараф этиш, рангли металлларнинг ноқонуний айланишига чек қўйиш, уларнинг фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш қурилмаларидан ўғирланишининг олдини олиш мақсадларига хизмат қилмоқда.

Шунга қарамай, таркибда рангли металллар бўлган механизм ва агрегатларни талон-торож қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик фактлари, рангли металл парчалари ва чиқиндиларини яширинча тайёрлаш, уларни мамлакат ташқарига контрабанда йўли билан олиб чиқиб кетиш ҳоллари учраб турибди. Бу турдаги қонунбузарлик ҳолатларига қарши курашиш мақсадида республикамиз божхоначилари томонидан қатор чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Қашқадарё вилояти божхоначилари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда Қарши туманида фуқаро Ш.Зойировнинг хонадонидан амалдаги тартибларга мувофиқ ва

хोलислар иштирокида кўздан кечирилганда, бу ерда рангли металл парчалари ноқонуний равишда тўпланаётгани ҳамда улардан қўлбола усулда алюмин қозонлар тайёрланаётгани фош қилинди. Кўздан кечириш вақтида, хонадонда 85 дона қўлбола қозон ва уларни тайёрлашда фойдаланиладиган 27 дона темир қолип, салкам 190 кг. алюмин парчалари, шунингдек, яширин цехда қўлланилаётган бошқа асбоб-ускуналар борлиги аниқланди.

Фарғона каналининг қўшни давлатга туташ қисмини автомобиль баллонининг ҳаво билан тўлдирилган резина камералари кўмағида кечиб ўтаётган қонунбузарлар эса наманганлик божхоначилар кузатувига тушиб қолганини сезиб, дарҳол қўшни давлат рудуди томон жўфтаник ростлаб қолишди. Аслида, уларнинг “кўён” бўлиши бежиз эмас эди. Улар ташлаб қочишга мажбур бўлган синтетик қоплар ўрнатилган тартибда ва холислар иштирокида кўздан кечирилганда, қонунбузарлар 180 кг.дан ортиқ мис ва латун каби рангли металл парчаларини ноқонуний равишда юртимиздан олиб чиқишга уринганлиги аён бўлди.

Тошкент шаҳар божхона ходимлари томонидан “Чуқурсой” темир йўл станциясида республикамиз ҳудуди орқали қўшни давлатга йўл олган юк поездидан вагонларидан бири божхона назоратидан ўтказилганда, унга ортилган оғирлиги салкам ярим тонна мис ва латун каби рангли металл парчалари ноқонуний равишда олиб ўтилаётганлиги маълум бўлди. Қиймати 2 млн. сўмдан ортиқ бўлган ушбу металл парчалари учун юк эгаси — қўшни давлат фуқароси С.Аширбеков



ҳеч қандай ҳужжат тақдим эта олмайди.

Сурхондарёлик божхоначилар томонидан ўтказилган ҳамкорликдаги тадбир давомида Бойсун туманида ҳаракатланаётган фуқаро Н.Шайманов бошқарувидаги “Isuzu” русумли юк машинаси тўхталиб, кўздан кечилганда, унинг юкхонасида 1,6 тоннадан ортиқ рангли металл парчалари ноқонуний равишда олиб кетилаётганлиги аниқланди.

Шунингдек, вилоят божхоначилари Янгиқўрғон туманининг қўшни давлатга туташ ҳудудида ҳаракатланаётган “ЗИЛ” русумли юк машинасини тўхталиб, кўздан текширишганда, унда фуқаро Р.Саттаров томонидан қиймати 5 млн. сўмдан ортиқ бўлган мис ва латундан иборат салкам 5,1 тонна рангли металл чиқиндилари қайта сотиш мақсадида ноқонуний равишда қўшни давлатга олиб чиқиб кетилаётганлиги аниқланди.

Фуқаро Ф.Раҳмоновга тегишли 1,7 тоннадан ортиқ рангли металл ортилган яна бир “ЗИЛ” юк машинаси эса йўлга

отланишга улгурмади. Божхоначилар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари томонидан Янгиқўрғон туманида истиқомат қилувчи Э.Хатамовнинг хонадонидан амалдаги тартибларга мувофиқ кўздан кечирилган чоғида ушбу “ЗИЛ”нинг ноқонуний равишда қўшни давлатга чиқишдан олдин бу ерда вақтинча қўним топгани фош қилинди.

Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Рақамларга муурожаат қилсақ, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида божхоначилар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 111 та қонунбузарлик ҳолатида қиймати салкам 234 млн. сўмлик 104 тоннага яқин қора ва рангли металл чиқиндиларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

**Ҳусен ТАНҒРИЕВ,**  
Давлат божхона қўмитаси  
Ахборот хизмати катта инспектори

## Савол беринг, жавоб берамиз!

“Нотариал ҳаракатларнинг махфийлиги” деганда нимани тушунамиз?

А.Саматов, Самарқанд шахри.

Бу тушунча Ўзбекистон Республикаси “Нотариат тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддаси билан тартибга солинади, унга кўра: “Нотариуснинг, нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи бошқа мансабдор шахсларнинг, шунингдек, амалга оширилаётган нотариал ҳаракатлардан хизмат вазифасини бажариш муносабати билан хабардор бўлиб қолган шахсларнинг ўзларига маълум бўлган ахборотларни ошкор қилиши, шу жумладан, меҳнат шартномаси бекор қилинганидан кейин ҳам ошкор қилиши тақиқланади”. Бу моддада нотариус маълумотларни кимга ва қайси ҳолатларда бериши мумкинлиги тўғрисидаги банд ҳам бор. Унга кўра: “Амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотлар (ҳужжатлар) бу ҳаракатлар кимнинг номидан ёки кимнинг топшириғи билан амалга оширилган бўлса, ўша шахсларнинг ўзигагина берилиши мумкин”.

Амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотномалар (маълумотлар) суд, прокуратура, тергов органларининг талабига биноан, улар юртайётган ишлар муносабати билан берилади. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотномалар (маълумотлар) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда махсус ваколатли давлат органига тақдим этилади.

Кўчмас мулк ижараси шартномаларининг тасдиқлаш ва ижара ҳақининг миқдори тўғрисидаги, мерос ёки ҳада тартибда фуқаролар мулкига ўтаётган мол-мулкнинг қиймати ҳақидаги маълумотномалар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда давлат солиқ хизмати органига тақдим этилади.

Васиятнома тўғрисидаги маълумотномалар васият қилувчининг вафотидан кейингина берилади. Амалга оширилган нотариал ҳаракатларнинг махфийлигини бузишда айбдор бўлган шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Саволга Самарқанд шаҳар 6-сон ДНИ нотариуси **Л.АЛИЕВА** жавоб берди.

# Нимани эксанг, шуни ўрасан...

## Қилмиш-қидирмиш

Инсонни тартибга солиб турувчи энг катта куч нима? Бу — ирода ва ақл. Иродоли одам ақлини ишга солиб, ҳар қандай тўсиқни енгиб ўтади. Ёки ақли инсон иродаси кўчига таяниб, кам бўлмайди. Иродасизлик эса ҳамма ишнинг оёғига тўшевдир. Айниқса, бундай одамнинг оёғи бир тойса борми, кейин ўзини ўнглаши қийин кечаркан. Бу билан фақат ўзигагина зарар келтирмади, атрофдагиларга ҳам дахмаза бўлиб, охир-оқибат жиноят кўчасининг “кўзга кўринган вакили”га айланади...

## Навбахорлик Турғун Маҳмудов

(исм-фамилиялар ўзгартирилди) уч марта судланиб, хавфли рецидивист “маком”га эга бўлганлардан. Биринчи марта (2009 йил 27 январда) судланганда 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси билан “сийланган” бўлса, иккинчисидан (2009 йил 11 июнь) 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Жазо қисман ўталгач, жиноят ишлари бўйича Зарафшон шаҳар судининг 2011 йил 14 июндаги ажрими билан ўталмаган 3 йилу 11 ой 10 кунлик озодликдан маҳрум этиш жазоси ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган. Навбахор туман ИИБда ҳисобда туриб, жазони ўтаб келди. Кейинроқ яна унга имкон берилиб, 2 йил 7 ойлик ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган. Аммо, афсуски, ахлоқ тузатиш ишлари чала қолгани унинг кейинги ҳаракатларида яна намойиш бўлди ва эски “хунари”ни давом эттирди. Ишдан, оиласидан ажралган Т.Маҳмудов дарбадар ҳаётини изга солишга кучи етмади. Ҳали қариндошиникига бориб хурсандчилик қилди, ҳали ошниси билан кайфини сурди, ҳуллас, энгил ҳаётни афзал билди...

Топганини кайф-сағога сарфлашни одат қилган Турғун кунлик ҳаракатлари учун чиқимларни энг паст йўл билан — ўғирлик эвазига топарди. Ана шундай кунларнинг бирида машаат-бозлик қилиб, тақси ҳайдовчиси Э.Қобилдовдан қарз бўлди ва унга битта майда шохли мол беришни ваъда қилди.

— Қайнотамнинг уйига борайлик, ўша ерда баррам бор, оламиз, — деди у тақсичига.

Э.Қобилдов бир шумликни кўнгли сезгандек сўради:

— Менга бермоқчи бўлган барранг ўғирланган эмасми, ишқилиб?

— Э, нима деяпсан, одам қайнотасининг уйига ҳам ўғирликка кириши мумкинми, кўркам, ўзимники, — дея ишонтирди Турғун.

Йўлда тақсичининг таниши М.Фафуров ҳам машинага чиқди. Турғун қайнотасининг уйи ёнига машинани тўхталиб, ундан ёрдам беришини сўради.



Аммо М.Фафуров ёрдамлашганини хоҳламади. Шунда Т.Маҳмудовнинг ўзи ҳовлининг орқа томонидаги йўлакчадан бориб, молхонада турган икки бош ҳисори баррани олиб чиқди.

Буни қарган Э. Қобилдов нега иккита барра олиб чиққани сабабини сўради.

— Бирни сенга, қарз ҳисобига, иккинчиси ўзимнинг ҳаражатларим учун, — жавоб берди у. — Ҳўш, кетдик мол бозорга, буларни сотиб пул қилиш керак.

Афсуски, ўғирланган молнинг бозори касод бўлди. Турғун харидорлар билан тил топиша олмади, барраларнинг иккисини ҳам тасқичига бериб, биттаси учун атиги 50 000 сўм сўради. Ҳа, ўғирланган молнинг қадри шу-да! Пешона тери эвазига келганда бошқа гап эди. Хуллас, бозор нархи 250 000 сўмлик барралар қулоғини ушлаб кетди. Аммо ўғрининг ўзи ҳам бу иши билан манзिलाга етолмади.

ИИБ ходимлари бу жиноятни фош этишди. Т.Маҳмудов яна бир бор ўзи “соғинган” қора қурсида ўтирадиган бўлди. Бу ҳол унга узил-кесил 5 йилу 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Қадимдан қолган мақол бор: нимани эксанг, шуни ўрасан... Зора, бу сафар унинг кўзи очилса...

**Салим МИРЗАЕВ,**  
Навбахор тумани прокурори ёрдамчиси,  
**Ҳолида ФАЙЗИЕВА,**  
журналист

# “Валюта” операциялари

## Адолат тарозиси

Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донги чиқмас, деб бежизга айтишмаган доно халқимиз. Дарҳақиқат, ҳар қандай юмуш ёки тадбир бўлмасин, киши ёлғиз ўзи бажаргандан кўра, кўпчилик бўлиб, биргаликда қодам ташласа, бундай ҳамжиҳатлик ишда унум ва барака бўлади. Қисқа муддатда катта муваффақиятлар қўлга киритилади. Ҳаётда ҳам бир-бирига доимо ёрдам бериб, кенгашиб, бирдамликда, кўнни-қўлга бериб иш бошлайдиган кишиларни кўрганимизда ҳавасимиз ортади, улардан ибрат олгимиз келади. Ахир, бирдамликка нима етсин, деймиз ич-ичимиздан.

Бироқ ҳамма гап ана шу ҳамжиҳатликнинг қиймати, унинг ортида қандай мақсад ва ҳаракатлар ётгани, кишиларни бир-бирига боғлаб турган мақсаднинг салбий ёки ижобий эканлиги билан белгиланади. Оқ билан қора доимо ёнма-ён юрганидек, четдан қараганда ахил-иноқликдай туюлган ҳамжиҳатликнинг ортида бизга ноъмалум бўлган, тўғрироғи, тинч-осуда ҳаётимизга хавф солиши мумкин бўлган қинғирликлар, ғайир мақсадлар ётган бўлиши мумкинлигини доим ҳам илғайвермаймиз.

Тошкентлик Розия Миродилова ва Шохиста Жавлиева бошчилигидаги жами ўн тўрт нафардан иборат жиноий гуруҳнинг асл мақсади — чет эл валюта қимматликларини жуда кўп миқдорда ноқонуний ўтказиш ва энгил бойлик орттириш бўлган.

Кези келганда айтиш жоизки, белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилмай, қонунга хилоф равишда валюта сотиб олиш ва сотиш билан шуғулланишнинг ижтимоий хавфли томони шундаки, у мамлакат иқтисодиётига жиддий хавф солади. Миллий валютамизнинг барқарорлиғига салбий



даги валюта айирбошлаш шохбасидан жуда кўп миқдордаги АҚШ долларини давлат нархидан қонунга хилоф равишда олиш ва “қора бозор”да хуфиёна иқтисодиёт билан шуғулланишни режалаштирганлар.

Жиноий фаолият олиб бориш учун тузилган гуруҳнинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида уюшган гуруҳ ҳар бир иштирокчисининг вазифаси уларнинг жиноий фаолияти йўналишларига қараб тақсимланган. Жумладан, уюшган гуруҳ раҳбарлари — Розия Миродилова ва Шохиста Жавлиева асосан, гуруҳ фаолиятини ташкиллаштириб, назорат қилиш, валюта айирбошлаш шохбачаларига сотувга чиқарилаётган кунлик АҚШ валютаси миқдорини аниқлаб, қонунга хилоф равишда сотиб олинishi учун гуруҳ аъзоларини жуда кўп миқдордаги ўзбек сўми билан таъминлаш, шохбачалардан сотиб олинган АҚШ долларини номалум

кил этиш ва турли баҳоналар билан жанжал чиқариб, бегоналарни навбатга киритмаслик чораларини кўришган.

“Валюта” операциялари натижасида қўлга киритилган АҚШ долларлари эса қонунга зид равишда сотилиб, мўмайгина фойда гуруҳ аъзолари ўртасида “хизмат вазифаси”га кўра тақсимланган.

Мазкур жиноий қилмиш узоққа бормай яқун топди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан ўтказилган тадбир натижасида ёлланган кишиларнинг ёнларида ва уларга тегишли автомобилларда катта миқдордаги АҚШ долларлари борлиги аниқланиб, жиноятчиларнинг қилмишлари фош этилди.

Жиноятчиға жазо муқаррар. Жиноий гуруҳ раҳбарлари Розия Миродилова ва Шохиста Жавлиеваларнинг ҳар бири Жиноят кодексининг 177-моддаси (Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш) 3-қисмининг “а, б” бандлари билан айбдор топилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз эъллик баравари миқдоридан жазо жазоси тайинланди. Худди шу каби гуруҳнинг қолган аъзолари ҳам жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор ҳисобланиб, қилмишларига яраша жазо тайинланди.

Биз юқорида бежизга мавзун ҳамжиҳатлик, яқдиллик тушунчалари билан бошламадик. Қўриб турганингиздек, яқдиллик ва ҳамжиҳатликнинг атрофида умуминсонийликка хизмат қилувчи ғоялар бирлашиб, эзуликка, ҳамият раванқига ҳисса қўшагини қадрлидир. Акс ҳолда бундай ҳамжиҳатлик эътироф этишга, намуна олишга аризулик бўлмайди.

**Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА**

# Очиқлик ва ошкоралик тамойиллари асосида фаолият юритилаяпти

## Матбуот анжумани

Президентимизнинг 2012 йил 24 октябрдаги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузурида Жамоатчилик кенгашининг ташкил этилгани соҳадаги вазифаларни мувофиқлаштириш, миллий армиямиз ва аҳоли ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашда айна муддао бўлди.



Қуролли Кучларини ислоҳ қилиш, замонавий миллий армиямизни шакллантириш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ва улар бераётган юксак самараларни халқимизга етказиш, миллий армиямизнинг салоҳияти ва қудратини кенг тарғиб этиш, жамоатчиликнинг мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасида олиб борилаётган давлат сиёсати ҳамда мамлакатимиз фуқароларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор энг долзарб масалаларга оид фикр-мулоҳазаларини ҳар томонлама таҳлил қилиб бориш вазифаси қўйилди.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ҳамда Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси томонидан "Фуқаролик назорати механизмини шакллантириш, очиқлик ва ошкоралик" мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида бу борадаги ишлар самарадорлиги ҳусусида сўз борди.

Матбуот анжуманида Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари И.Мирзаалиев кенгашининг

мақсад-вазифалари ва ўнинг фаолияти ҳусусида, Мудофаа вазирлиги ўринбосари Н.Мулабаев эса кенгаш таркибидagi комиссиялар томонидан амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида маълумот бердилар.

Ўтган бир йил давомида Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, Қуролли Кучларда, Мудофаа вазирлиги фаолиятида ошкоралик ва очиқликни, фуқаролар ва жамоатчиликнинг мудофаа ва ҳарбий соҳада амалга оширилаётган давлат сиёсатида иштирокини таъминлаш, ҳарбий хизматни ўтаётганлар ва чақирилувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга кўмаклашиш мақсадида кенгаш аъзолари томонидан жойларда тарғиб

бот-ташвиқот тадбирларини ўтказиш баробарида, соҳадаги айрим масалалар борасида зарур тавсиялар ишлаб чиқилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси раиси, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг долзарб масалалари буйича жамоатчилик фикрларини таҳлил қилиш ва тизимли мониторинг ташкил этиш комиссияси раиси Қодир Жўраев кенгашнинг тузилиши юртимизда кечаётган демократик жараёнлар чуқурлашувининг далолати эканлиги, бу юртимиз ҳавфсизлигига оид долзарб масалаларни кенгаш томонидан жойларда тарғиб

ни юртига содик, ватанпарвар ўғлон сифатида тарбиялаш ишига хисса қўиши имконини яратганини таъкидлади.

Тадбир давомида Жамоатчилик кенгаши томонидан тузилган махсус тарғибот гуруҳлари Қуролли Кучларнинг мамлакат миллий мустақиллигини ҳимоя қилишдаги роли, ҳарбий соҳадаги ислохотлар, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига берилаётган имтиёзлар ҳақида аҳоли орасида кенг маънавий-маърифий тарғибот ишларини олиб бораётгани, ҳарбий қисмлар ва ҳарбий таълим муассасаларида ижодий кечалар ва бошқа маданий тадбирлар ташкил этилаётгани тўғрисида ҳам маълумотлар берилди.

Феруз Жўраев, «Adolat» мухбири

Феруз Жўраев, «Adolat» мухбири

Ташкил этилганига бир йил тўлган Жамоатчилик кенгаши зиммасига бўлинма ҳамда ҳарбий қисмларда соғлом маънавий-руҳий муҳит сақланишини таъминлаш мақсадида тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бориш, Мудофаа вазирлигининг бу борадаги фаолияти самарадорлигини ошириш буйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасига оид масалалар юзасидан жамоатчилик томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар мониторингини юритиш ҳамда таҳлилин олиб бориш сингари муҳим вазифалар юклатилган.

Жамоатчилик кенгаши Низоми мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда беш йўналишда тузилган комиссиялар таркибига ижодий уюшмалар, жамғармалар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, олий ҳарбий таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, маданият, санъат, фан ва спорт намоёндалари каби турли соҳа вакилларининг киритилгани кўзда тутилган вазифаларни изчил бажариш имконини беради.

Кенгаш олдида халқимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, мамлакатимиз

Қуролли Кучларини ислоҳ қилиш, замонавий миллий армиямизни шакллантириш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ва улар бераётган юксак самараларни халқимизга етказиш, миллий армиямизнинг салоҳияти ва қудратини кенг тарғиб этиш, жамоатчиликнинг мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасида олиб борилаётган давлат сиёсати ҳамда мамлакатимиз фуқароларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор энг долзарб масалаларга оид фикр-мулоҳазаларини ҳар томонлама таҳлил қилиб бориш вазифаси қўйилди.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ҳамда Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси томонидан "Фуқаролик назорати механизмини шакллантириш, очиқлик ва ошкоралик" мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида бу борадаги ишлар самарадорлиги ҳусусида сўз борди.

Матбуот анжуманида Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари И.Мирзаалиев кенгашининг

мақсад-вазифалари ва ўнинг фаолияти ҳусусида, Мудофаа вазирлиги ўринбосари Н.Мулабаев эса кенгаш таркибидagi комиссиялар томонидан амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида маълумот бердилар.

Ўтган бир йил давомида Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, Қуролли Кучларда, Мудофаа вазирлиги фаолиятида ошкоралик ва очиқликни, фуқаролар ва жамоатчиликнинг мудофаа ва ҳарбий соҳада амалга оширилаётган давлат сиёсатида иштирокини таъминлаш, ҳарбий хизматни ўтаётганлар ва чақирилувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга кўмаклашиш мақсадида кенгаш аъзолари томонидан жойларда тарғиб

бот-ташвиқот тадбирларини ўтказиш баробарида, соҳадаги айрим масалалар борасида зарур тавсиялар ишлаб чиқилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси раиси, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг долзарб масалалари буйича жамоатчилик фикрларини таҳлил қилиш ва тизимли мониторинг ташкил этиш комиссияси раиси Қодир Жўраев кенгашнинг тузилиши юртимизда кечаётган демократик жараёнлар чуқурлашувининг далолати эканлиги, бу юртимиз ҳавфсизлигига оид долзарб масалаларни кенгаш томонидан жойларда тарғиб

ни юртига содик, ватанпарвар ўғлон сифатида тарбиялаш ишига хисса қўиши имконини яратганини таъкидлади.

Тадбир давомида Жамоатчилик кенгаши томонидан тузилган махсус тарғибот гуруҳлари Қуролли Кучларнинг мамлакат миллий мустақиллигини ҳимоя қилишдаги роли, ҳарбий соҳадаги ислохотлар, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига берилаётган имтиёзлар ҳақида аҳоли орасида кенг маънавий-маърифий тарғибот ишларини олиб бораётгани, ҳарбий қисмлар ва ҳарбий таълим муассасаларида ижодий кечалар ва бошқа маданий тадбирлар ташкил этилаётгани тўғрисида ҳам маълумотлар берилди.

Феруз Жўраев, «Adolat» мухбири

Феруз Жўраев, «Adolat» мухбири

# Ахборот манбаи

## инвестицион ҳамкорликни кучайтириш имконини бермоқда

Давоми. Бошия 1-бетда

Фуқаролар ва тадбиркорлар билан юзма-юз мулоқот ўтказдилар. Туман ҳокимлигининг фуқаролар учун ажратилган махсус ахборот хизмати хонаси, бу ерда ташкил этилган расмий веб-сайт, интерактив хизматлар билан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси синови буйича ўтказилаётган ҳуқуқий эксперимент жараёнида тўпланган тажрибаларда маълум бўлдики, Самарқанд туманида фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим талабларини бажаришга масъулият билан ёндашилмоқда. Бу ҳулоса ҳудуддаги ҳуқуқ-тартибот ва назорат идоралари, пенсия жамғармаси, Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш маркази, банк ҳамда молия муассасалари, соғлиқни сақлаш ташкилоти фаолиятида ўз тасдиғини топомқда, дейиш мумкин.



Ҳуқуқий эксперимент амал қила бошлаган вақтдан бунён фуқаролар билан ўтказилган очиқ мулоқотлар, раҳбар ходимларнинг ҳисоботи, АҚТлар орқали маълумот айирбошлаш натижасида турли бўғиндаги давлат бошқарув идораларига келиб тушган мингдан ортқ мурожаатлар ва уларга йўлланган жавоблар ҳам шу фикрдан далолат беради.

Энди ҳуқуқий эксперимент доирасида интернет орқали тақдим этилаётган ахборот базасининг очиқлиги инвестицион ҳамкорликни кенгайтиришга кўрсатаётган таъсири ҳусусида тўхталадиган бўлсак, айтиш лозимки, айна шундай ёндашув иқтисодиётда аллақачон ўз самараларини бермоқда. Тумандаги "Агромир", "Стеклопластик", "Сам Рос Холд" сингари йирик ишлаб чиқариш корхоналари хорижий сармоядорлар билан янги манфаатли шартномалар туздилар. Шу асосда четга товар чиқариш, корхоналарни модернизациялаш, янги хилдаги

рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятлари кенгайди.

Журналистлар тумандаги кўчат етиштирувчи "Миронкулмева" фермер хўжалигига ташрифлари чоғида қишлоқ мулкдори Ойбек Усмонов интернет орқали мулоқот туфайли чет элдан буюртмачилар топиб қарийб бир миллион АҚШ доллари миқдорига кўчат экспорти буйича шартнома имзолаганлигининг гувоҳи бўлдилар. Демак, бошқарувдаги шаффофлик, ахборот базасининг барча доирада очиқлиги тадбиркорга нафақат ўз ҳуқуқларини англаб олишига, эркин ташқи фаолият юритишига ва иқтисодий самарадорликка эришишига ҳам ёрдам бермоқда.

Бундай мисолларни яна да-



вом эттириш мумкин. Фуқаро ёки тадбиркорларнинг давлат бошқарув идоралари билан ўзаро очиқликка асосланган манфаатли муносабатлари ижтимоий соҳалардаги муаммоларни аниқлаш ва тезкор ҳал этиш имконини яратмоқда. Туманда "Обод турмуш йили" Давлат дастурига қиритилган вазифаларни ижро этиш мақсадида ўнлаб намунали уй-жойлар барпо этилгани, йўлсозлик ва коммунал соҳадаги камчиликларни бартараф этишга қатъий қиритилгани ва бу ишлар жамоатчилик назоратида олиниши шундан далолат беради.

— Фуқароларнинг АҚТлар орқали ахборот олиш имкониятларини кенгайтириш, интернет тармоғи самарадорлигини

таъминлаш мақсадида туман ҳудудидаги абонентлар манзиллиги бир неча ўн километрлик оптик толали кабель тортилди, — дейди ҳокимликнинг Ахборот хизмати раҳбари Искандар Комилов. — Бунга кўшимча сифатида тадбиркорларни, фермерларни электрон рақамли имзо билан таъминлашни яхшилаш чораларини кўраямиз. Мақсад маълумот олишда ёки ҳисобот узатишда қулайлик яратиш, ортқча расмиятчиликлардан халос бўлиш, тадбиркорнинг ўз ўрнида вақтиний қадрига етиб, эркин ишлашига шароит яратишдан иборат.

Зохир Тўрақулов, «Adolat» мухбири

Зохир Тўрақулов, «Adolat» мухбири

"Huquq va burch" ijtimoiy-huquqiy jurnalining 2013 yil 10-soni nashrdan chiqdi. HUUQUQ VA BURCH. ЭКОЛОГИК МУВОЗАНАТ

# Журналнинг янги сони

Бугунги шиддат билан ўзгараётган глобаллашув жараёнида, давлатлараро зиддиятлар кучаяётган, ер юзининг турли нуқталарида янги низо ўчоқлари пайдо бўлаётган бир даврда тинчлик, осойишталикнинг аҳамиятини оддийгина жумла билан ифодалаб бўлмайди. Уруш, нотинчлик ва таҳдидлар бугун бирон бир давлат ёки минтақа билан чегараланиб қолаётгани йўқ, У бутун дунёга хавф солмоқда. Биргина мисол: қўшни Афғонистондаги ўттиз йилдан зиёв давом этаётган уруш Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликка энг катта хавф-хатар бўлиб қолмоқда. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Иброҳим Норматовнинг "Тинчлик қадри" номли мақоласида юқоридаги мавзу ҳамда қонунларда ифодаланган йўлдан оғишмай боришнинг аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳазани юритилади.

Олий Мажлис Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси Содик Сафоев билан уюштирилган "Экологик мувозанат минтақа истиқболини белгилайди" сарлавҳали суҳбатда атроф-муҳит билан боғлиқ трансчегаравий муаммолар, Тожикистон алюминий компаниясининг минтақа табиғати, одамлар соғлиғига кўрсатаётган ҳалокатли таъсири, уни бартараф этиш буйича давлатимиз томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳусусида сўз боради.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва судларнинг маллакали эксперт тадқиқотларига бўлган эҳтиёжи кундан-кунга ортиб бормоқда. Чунки фан-техника ютуқларидан самарали фойдаланиш жиноятларни тез фурсатда фож этиш, одил судловни таъминлашга хизмат қилади. Вазирлар Маҳкамаси-

нинг 2012 йил 14 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган 2012-2015-йилларда Республика суд экспертизаси марказини ривожлантириш дастури айна шу мақсадга қаратилган. Дастур соҳага илм-фан ютуқларини фаол жалб этиш, суд экспертизаси қўламини кенгайтириш билан бир қаторда 2013-2015-йилларда ДНК маълумотлар базасини яратишни ҳам кўзда тутди. Республика суд экспертизаси маркази директори ўринбосари Учқун Узоқовнинг "ДНК маълумотлар базаси" номли мақоласида жорий этилаётган янгиланганнинг мазмун-моҳияти очиқ берилган.

Юртимиз оммавий ахборот воситаларида ҳар йили октябр ойида тил мавзуси бошқа пайтдагига қараганда кўпроқ ёритилади. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган сана муносабати ўтказилаётган тадбирлар, зиёдиларнинг чиқишлари, умуман олганда, миллий бойлигимизга бефарқ бўлмаган инсонларнинг фикр-мулоҳазалари омма эътиборига ҳавола этилади. Журналнинг ушбу сонида чоп этилган "Тилнинг нуфузи миллат нуфузи" сарлавҳали давра суҳбатиде ўзбек тилининг софлигини сақлаш, уни янада бойитиш учун эътибор қаратиш лозим бўлган масалалар атрофида таҳлил этилган.

Бундан ташқари, "Мавлуда Аҳмадшова: "Халол меҳнат ва пок вийдон менга кўш қанот бўлди", "Ўзбекистонда сайёҳлик истиқболлари", "Фуқаролар мурожаати эътибор ва масъулиятни талаб этади" каби мақолаларда қаламга олинган долзарб, оғоҳликка чорлайдиган мавзулар ўқувчиларни бефарқ қолдирмайди.

## Фаолият

Бугунги кунда Тошкент шаҳар Мирзо Улғбек туманида табиий газ истеъмолчилари сони 77003 та нафарни ташкил этади. Президентимизнинг "Республика иқтисодиёт тармоқларини 2013-2014 йиллар куз-қиш мавсумида барқарор ишлашини таъминлаш тўғрисида"ги Қарори юзасидан жойларда кузги-қишқи тайёргарлик ҳамда дебитор қарздорликни қисқартириш буйича "Мирзо Улғбек тумангаз" фойдаланиш хизматида ушбу йилда тасдиқланган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан бир қанча амалий ишлар қилинмоқда.

# Газ ҳисоблагичнингиз қиёсланганми?

Хусусан, жорий йилнинг 9 ойида аҳоли ва улғуржи истеъмолчилар учун 15 762 529 минг сўмлик табиий газ етказиб берилди. Кузги-қишқи тайёргарлик учун ишлаб чиқилган режага асосан мавжуд 248 донга газ тақсимлаш пунктлари бўяб чиқилиб, техник тафтишдан ўтказилди, 8,7 км. газ қувурлари эса жорий таъмирланди.

Албатта, юзага келиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олиш учун аҳоли хонадонларига ўрнатилган газ ҳисоблагичларни қиёслов кўригидан вақтида лозим. Аввало, газни ҳисобга олиш асбоби, яъни газ ҳисоблагичлар "Ўзстандарт" агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси "Метрология тўғрисида"ги Қонунининг 14-моддасига мувофиқ, 4 йилда бир мартаба давлат қиёслов кўригидан ўтказилиши керак.

Бунда газ ҳисоблагичнинг кўрик мuddати келган бўлса, истеъмолчи ўзи яшаб турган

тумангаз фойдаланиш хизматида келиб ёки телефон орқали буюртма беради, тумангаз ходими жойига бориб далолатнома тузиб, газ ҳисоблагични ечиб беради. Шундан сўнг истеъмолчи тумангаздан йўланма олади ва газ ҳисоблагични ўз ҳудудида жойлашган "Ўзстандарт" агентлиги шахобчасига топширади. Агар газ ҳисоблагич фойдаланишига яроқли, деб топилса унга тегишли сертификат берилади, бу сертификат нусхаси, албатта, тумангаз компьютер базасига топширилиши керак. Сўнгра газ ҳисоблагич тумангаз ходими томонидан қайта жойига ўрнатиб берилади. Ҳозирда бу борада назоратчилар томонидан аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Алишер БОЙХОНОВ, Тошкент шаҳар "Мирзо Улғбек тумангаз" фойдаланиш хизмати бошлиғи

Сўнгги саҳифа

Пўлат Саидқосимов: “Актёрнинг бахти — муҳлисининг эҳтиромида”

Таҳририят меҳмони

Бу инсон билан яқиндан мулоқот ўрнатган ҳар бир суҳбатдош аксарият ҳолларда адолатпарвар, ростгўй, чопани, ўз ҳақиқатини ҳимоя қила оладиган қаҳрамонларни қойилмақом ижро этган актёрнинг ҳаётда ҳам шундай хусусиятларга инсон эканлигини билиб олади. Адолат билан ҳамнафас яшаб келаётган суҳбатдошимиз Ўзбекистон халқ артисти, “Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳиби, халқимиз сўйган актёр Пўлат Саидқосимов билан мулоқотимиз унинг бугунги ижодий ва ижтимоий ҳаёти мавзусига бағишланди.

— Ҳар бир инсон ўз ҳаёти йўлини ёнлигидан танлайди. Санъатга кириб келган вақтларинингизни ёдга оласиз.

— Биз ўқиган пайтлар уруш даврига тўғри келиб, мактабда дарслар ҳаминқадар ўтилган. Биз, ёшлар катталар билан бирдек уй-рўзгор, тирикчилик ташвишлари билан юриб, оиламизга ҳар томонлама ёрдам берганимиз. Уша пайтларда ҳозирги “Абдулла Қодирий” номидаги боғ ўрнида жойлашган собиқ “Пушкин” боғига ҳар ҳафта “Муқимий” номидаги мусиқали драма театри жамоаси келарди ва яқин дўстларим билан улар саҳналаштирган театрларни томоша қилишга, кечалари шамчирок ёқиб бўлса ҳам бадий китоб мутолаа қилишга вақт толанганди. Ёшликдаги орзу-хавас 50-йилларда мени Тошкент театр-санъат институтига етказди. Санъат ҳақида ҳар қим ҳар хил тушунсада, ота-онам мен танлаган йўлни маъқуллади, қўллаб-қувватлади.

Илк фаолиятимни 1954 йилда Самарқанд вилоят театрида бошладим. Санъатда ўз йўли, ўрним ва услубим шаклланишида, чиниқишимда ушбу театрнинг аҳамияти катта бўлган. Дастлаб эпизодик ролларни, бориб-бориб “Отелло”да Яго, “Холисхон”да Рустам сингари бош қаҳрамонларни талқин этдим. 1957 йили ҳозирги Ўзбек Миллий Академик театрига ишга қабул қилишди. Ярим асрдан ортқ “отaxon” театрда қўлдан келганча ижод қилдим.

Ушбу касбни танлаганимдан афсусланмайман. Актёрнинг бахти унинг муҳлисларида. Бизга уларнинг ҳурмати, олқишидан ортқ бахт, бойлик йўқ.

— Кўпчилик муҳлисариингиз Сизни халққа танитган фильмлардан бири “Беруний”да талқин этган образингизни кўп ёдга олади. Сўнгги пайтларда тарихий шахсларга бағишланган фильмлар камайиб кетгандай...

— Абу Райхон Беруний ўрта асрларнинг буюк қомусий олимларидан эди. Унинг буюклиги ўша даврнинг даярли барча фанларига қўшган бетақорор илмий меросида намоён бўлади. Буюк аждодимизга бағишланган фильмда бош қаҳрамон — Берунийни ижро

этганимдан фахрланаман. Уша пайтларда даврнинг тақозоси билан фильм рус тилида олинганини ҳисобга олмасан, ҳаммаси рисоладагидек эди.


Шу ўринда халқимиз доимо тарихий фильмларга эҳтиёж сезиб келганлигини айтиб ўтмоқчиман. Аслида бу табиий ҳолат. Сабаби, маънавий ва маданий мерос қолдирган замондош бобокалонларимизнинг сермазун ҳаёти, ибратомуз фикрлари ва илгари сурган гоълари, илм-фан ривожига қўшган ҳиссаси нафақат ўз вақтида муҳим аҳамиятга эга бўлган, балки бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган ва шу сабабдан уларнинг номлари барҳаётдир. Айни пайтда айнан истиқлол туйғайли бутун дунё улуг аждодларимизнинг меросини янғидан кашф этиб, уларнинг ўткир зеҳни ва заковатига, чуқур билим эгалари эканлигига тан беришяпти.

Ўйлаймизки, истеъдодли драматургларимиз, режиссёрларимиз, умуман ижод аҳли Мирзо Улуғбек, Абу Али ибн Сино, Ал Хоразми, Абу Наср Форобий ва шу сингари бошқа олим улаомларимизнинг олиб борган илмий изланишининг моҳияти ҳамда аҳамияти, шунингдек уларнинг яна қўллаб очилмаган қирраларини ўзида акс эттирган кинофильмлар, театр асарларини яратиш учун ўз маҳоратини ишга солишда ва ҳар қандай актёр бундай буюк шахсларнинг сийрати ва суратини талқин қилишга бажонидил рози бўлиши шубҳасиз.

— Роль танлашда асосан нималарга эътибор қаратасиз?

— Албатта, авваламбор асарнинг гоъси билан қизиқаман, илоҳи борича ўзимга мос характерни қидираман, кўнглимга қулоқ соламан. Юрагим жиз этдимми, ўша ролни ўйнашга ҳаракат қиламан. Тўғри, ҳар доим ҳам ўз хоҳишим билан рол ижро этиб келганман, дея олмайман, лекин бадий савияси жиҳатидан тўғри келмайдиган ёки бўшроқ ёзилган асарларда роль олмасликка интиламман.

— Ҳар қандай бадий асарнинг экранда ёки театр саҳнасида томошабинга манзур бўлиши нафақат драматургия ва актёрлар таркибига, бал-



ки режиссурага боғлиқ. Шу соҳа билан ҳам шуғулланишга ҳаракат қилганмисиз?

— Йўқ, асло. Ҳар қим ўз ишини қилгани маъқул. Актёрлар ўз ишини, режиссёрлар режиссёрлигини қилиши керак, деб ўйлайман. Менга бу саволни кўп беришган, режиссёр сифатида кино олишимни илтимос қилганлар ҳам бўлган, лекин мен актёр эканлигимни қайта-қайта ўқтирганман.

Тўғри, ҳали ўз касбини пухта эгаллаб улгурмаган ёш актёрларимизнинг бирданга режиссёрликда ўз маҳоратини синаб кўраётган ҳолатларга ҳам дуч келаяпмиз. Ваҳоланки, савиясиз театр ва кино асарлари томошабиннинг ҳафсаласини пир қилади. Уларни кино ва театр саҳналаридан узоклаштиришга хизмат қилади. Аслида режиссёрлик жуда катта меҳнат, масъулиятни, ҳаётни, одамларни қузатиш ва доимий изланишни талаб қиладиган касблардан бири. Режиссёр кўп ҳолларда асарнинг ёзган муаллифдан-да анча илгаридека бўлиши, узокни кўра билиши керак. Бундай масъулиятли ишга қўл ураётган айрим актёрларимиз бу ҳақда ўйлаб кўришлари керак, назаримда.

— Марҳум санъаткор Римма Аҳмедова “Саҳна инсон туйғуларини таҳқирламасдан, юксак маънавий идеаллар йўлида хизмат қилиши керак. Сен ундан ўзинг илаб юрган гўзаллиқни топ. Қаҳрамонлар фожиясида ўзингизни кемтикликни кўр-да таниқиб-таниқиб йиғла, руҳан покланасан”, деган экан. Айтингиз, Сиз учун саҳна нима?

— Саҳна мен учун авваламбор ижод, ижод майдони. Унга қадам босдингми, томошабинни ўз қаҳрамонинг ички кечинмаларига, дардига, қувончига ишонтира олишинг керак. Томошабин ҳар бир ноўрин ёки сохта ҳаракатини ҳис қилади. Саҳнада ўзингни унутиб, ўзга бўлиб, қаҳрамонинг ўтказган ҳар бир ҳиссиётни ўзингдан ўтказмасанг, томошабин ишонмайди.

Саҳнани севиш, уни эъзозлашни устозларимиздан, Шукр Бурхонов, Олим Ҳужаевлардан ўрганганмиз.

— Сизнинг аксарият тенгқурларингиз халқона айтганда “етти қават кўрпачада чой ичиб ўтиришни” бахт деб тушунади, бу ҳақда орзу қилади. Сўнгги пайтларда сиз нима-лар билан бандсиз?

— Қарилқиннинг ўзига яраша гашти бўлар экан. Ишдан бўш вақтларимда оила, яқин биродарларим даврасида ўтириб дилдан суҳбат қиришни мен ҳам ёқтираман. Биз нурунийларга икки оғиз ширин сўз, самимий муносабатдан бўлак нарсаси керак эмас. Илоҳим, ҳар бир инсон қариганида эъзозда бўлсин. Яратганга шукр; Ўртбосимизнинг ҳар бир йилга алоҳида мен бериши замирида биз фахрийларга ҳурмат, эътибор, эъзоз ётади.

Ўрганган кўнгли, ўртанса қўймас деганларидек, умримнинг салкам 60 йилини санъатга бағишлаганим учун уйда дам олиб ўтиролмайдим. Бугунги кунда “Киночилар уйи” қошида “Санъат маъно” номли студияни очганмиз. Студиямиз ҳодимлари ҳамда “Ўзбекфильм” ДАК ва айрим кино ижодкорлари билан ҳамкорликда “Ёқут кўзли тунлар”, “Илон”, “Қотил”, “Афюн гирдобини”, “9 ой”, “Ковун” сингари фильмларни олинишига бошқош бўлдим. Яқинда “Ўзбекфильм” ДАК билан биргаликда суратга олинган “Пойга” номли фильм катта экран юзини кўрди.

— Шу ёшнингизда ҳам ёшлар билан тенгма тенг меҳнат қилишингиз, руҳингиз тетиқлигингиз сирини нимада?


— Ёшлигимдан соғлом турмуш тарзига амал қилиб келганман. Донимандларимиздан бири “Сихат тиласанг, кўп ема — иззат тиласанг, кўп дема”, деган экан. Мана шу нақдда ҳикмат кўп. Биринчидан, оз-оз овқатланишга, иккинчидан мунтазам эрта тонгда ўйғониб, жисмоний машқларни бажаришга одатланганман.

Дунё хабарлари

Геотермаль электр станцияси (ГеоЭС) ер ости иссиқлик энергияси манбаларидан электр энергияси ишлаб чиқариш имконини яратди. Ушбу қурилма орқали энергия ернинг табиий ҳароратидан махсус қудуқлар орқали олинади, бу жараёнда ҳар 36 метрда иссиқлик 1°C га ошади. Иссиқлик юзига буг ёки қайноқ сув сифатида чиқади.

Янги Зеландияда ГеоЭС ишга туширилди

Бундай манбадан турар жойлар ва биноларни иситиш билан бирга электр энергия ишлаб чиқаришда ҳам фойдаланиш мумкин. Айтиш жоизки, термаль (иссиқ, ҳарорати юқори) минтақалар сайёрамизнинг кўплаб қисмида учрайди.



Жумладан, Янги Зеландияда дунёда энг йирик геотермаль электр станциясини барпо этиш ишлари якунланди. Ngatamariki Geothermal Power Station деб ном берилган ГеоЭС 100 МВт қувват кучга эга бўлиб, у 2008 йилдан бери мамлакатда амалга оширилган учинчи лойиҳадир.

Таупо шаҳри (Шимолий орол) яқинида жойлашган ГеоЭС лойиҳаси муаллифлари саналган Mighty River Power компанияси мутахассисларининг сўзларига кўра, электр станциясининг ишга туширилиши Янги Зеландия саноатининг ривожланиш суръатлари юқори чўққига чиқишини таъминлаб, геотермаль энергетика соҳасида эришилган муҳим ютуқ саналади.

Геотермаль лойиҳага катта маблағ сарфланиши ва дастлаб у билан боғлиқ муаммоларнинг кўплиги сабабли компания молиявий ҳамкорлар топишда ўн йилдан кўпроқ вақт сарфлади. Биргина геологик қидирув ишларига 75 млн. АҚШ доллари йўналтирилди.

Объектнинг атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатишини энг оз миқдорда қамайтириш учун лойиҳа ҳамкорларидан саналган Ormat компанияси маъсۇл этиб тайинланган. Компания ҳодимлари таъкидлаганидек, геотермаль суоқликдан фойдаланилгандан сўнг у 100 фойз насослар орқали қайта ер тубига ҳайдалади.

Эътиборга молик жиҳати шундаки, Янги Зеландияда ишлаб чиқариладиган йиллик электр энергиясининг 10 фойзи Mighty River Power компанияси иштирокида яратилган беш ГеоЭС ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек, компания йирик миқёсдаги тўққиз гидро электрстанцияси лойиҳасини тузган.

Геотермаль энергоблоклар бугунги кунда мамлакатдаги кўмир ИЭСни сиқиб чиқармоқда. Натижада, Янги Зеландияда янги технология орқали йилга 3 млн. тонна инсон саломатлигига ҳавф турдирувчи карбонат ангидрид газининг ҳавога чиқарилишини қисқартиришга эришилди.

Қонун лойиҳаси кучга кирди

Япония ҳукумати мамлакатда махсус иқтисодий зоналар тошқил этилишини белгилловчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқди. Бундан кўзланган асосий мақсад иқтисодийга чет эл инвестициялари билан биргаликда мамлакат ички маблағларини жалб қилишдир.

Япония Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қонун ҳужжати бош вазир бошчилигидаги ҳукуматда айнан қайси вилоятларда махсус иқтисодий зоналар ташкил этилишини ҳулосаловчи маслаҳат гуруҳи тузишни назарда тутди.



Шунингдек, ҳужжатда ҳар қайси ЭИЗда ўзининг аниқ бизнес режасига эга бўлган алоҳида маслаҳат гуруҳи тузилиши қайд қилинган. Маслаҳат гуруҳининг таркибига ҳукумат вазири, маҳаллий муниципалитет раҳбари ва хусусий бизнес вакиллари киритилади.

Мазкур ташаббус туйғайли иқтисодий зоналарнинг ҳар бирига алоҳида имтиёзлар жорий қилиниши белгиланган. Улардан бири — ЭИЗда сифатли тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида шифохона ётоқларини етказиб беришни ошириш бўлиб, бу орқали худудни жаҳон тиббий хизматлар марказига айлантиришга эришиш мумкин.

Яна бир иқтисодий самарали тақдирлардан бири — бу шаҳарларда кўпқаватли кондоминиумлар (икки давлатнинг ҳамкорликда маълум худуд назорати устидан эғалик қилиш ҳуқуқи) майдонини янада кенгайтириш. Бу давлатга катта инвестициялар оқими киришини таъминлайди ҳамда ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этиш шараитини яратди.


Таъкидлаш жоизки, Япония ҳукумати махсус иқтисодий зоналарда фаолият юритадиган ташкилот ва корхоналар томонидан олинувчи кредитлар физи бўйича сарф-харажатларнинг бир қисмини ўз зиммасига олади.

Ҳукумат аъзолари мазкур масала парламент жорий сессиясида маъқулланиши ва шундан сўнг бир неча махсус иқтисодий зоналар худуди келаси йил январдаёқ маълум бўлишига умид қилишмоқда.

Арпленинг янги корхонаси

АҚШнинг электроника ва информатсион технологиялар ишлаб чиқаришга ихтисослашган Apple компанияси Аризона штати Меса шаҳри яқинида қайта тикланувчи энергия манбалари асосида фаолият олиб борувчи корхона қуришни режалаштирган.

GT Advanced Technologies компанияси 578 млн. АҚШ долларига баҳоланувчи янги корхонани ишга тушириш ишларини амалга оширади. Корхона қандай махсусот ишлаб чиқариш ҳақида аниқ маълумотлар бўлмасан-да, мутахассислар тахминига кўра, лойиҳа муаллифлари сапфир ойналаридан тузилган қурилмалар ишлаб чиқаришга эътибор қаратади.



Сапфир қопламалари ва сапфир шишаларидан иборат элементлар Apple махсусотлари орасида, жумладан iPhone смартфонларида кенг ишлатилади.

Apple компанияси ҳисоб-китобига кўра, корхонанинг қурилиши Аризона штатида икки мингга яқин қўшимча иш жойлари яратиб, улардан 700 та иш ўрни бевосита компания таркибиде ташкил этилади.

2012 йил декабрь ойида Apple раҳбари Тим Кук Осиё савдо бозорларига юборилган махсусотларнинг бир қисмини Қўшма Штатларга қайтаришни мақсад қилганига қарамай, ҳозирда Тайваннинг компьютер қурилмаларини йиғиш билан шуғулланувчи Foxconn компанияси билан яқиндан ҳамкорлик ишларини юритмоқда.

Футболчиларимиз Осиё чемпионатида тўп суради

Мини-футбол

Мини-футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси 2014 йили Вьетнамда бўлудиган Осиё чемпионатининг финал босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Пойтахтимиздаги “Ўзбекистон” спорт мажмуасида давом этаётган Осиё чемпионатининг саралаш мусобақасида муваффақиятли тўп сураётган футболчиларимиз иккинчи учрашувда ҳам ғалабага эришди.



Саралаш турнирининг дастлабки босқичида Туркменистон терма жамоасини 10:1 ҳисобида мағлубиятга учратган ҳамюртларимиз иккинчи учрашувни Тожикистон футболчиларига қарши ўтказиб, 5:4 ҳисобида зафар қучди.

Ўйиннинг тўққизинчи дақиқасида футболчиларимиз ҳужумни қайтаришга чоғланган тожи-

Саодат СОДИҚОВА суҳбатлашди

Зоҳир ТОШХУҲАЕВ, ЎЗА муҳбири

Ф.Жўраев тайёрлади.

ADOLAT andolat gazeta logo and contact information including address, phone numbers, and website details.